

**Назиржон НАЗАРОВ  
(Мехрий)**

## **КИПРИКДАГИ ЁШ**

**«Фаргона нашриёти»  
2006 иил**

84(59)6-5 бўдими ҳақиқат —  
Кўнглимдаги гаплар Шеърлар

Мен, кўплар қатори, Назиржон Назаровнинг узоқ йиллар давомидаги мухлисиман.

Назиржоннинг бетакрор қўшиқлари кириб бормаган бирорта хонадон, бирорта кўнгил бўлмаса керак. Назиржон Назаров ўзбек қўшиқчилигида мактаб яратган беназир ҳофизлардандир.


Унинг яратган қўшиқлари йиллар мобайнида маънавий истеъмолдан тушиб қолгани йўқ. Ушбу кунда ҳам, қирқ йил аввалгидек, инсонларга илоҳий роҳат, фароғат улашиб келмоқда. Албатта, бунинг сирлари кўп. Бироқ, шу сирлардан бири ўзи яратган куйларига пухта, бадиий юксак, гўзал аҳлоққа эга бўлган шеърларни танлай билишида бўлса керак, деб ўйлардим.

Ўйларим бежиз эмас экан. Қўлимда Мехрийнинг шеърлари... Ўқиб тўлқинланиб кетдим. Шеърлари ўзига ўхшаган содда, ифодалар содда, лекин, маънолари теран. Бадиияти сержило. Қани эди, ҳамма шоирларга ҳам насиб этаверса бу соддалик.

Назиржон Назаровнинг шеърлари ҳам қўшиқлари каби қалбларни забт этишини яратгандан тилаб қоламан.

№ 32029  
091

Ўзбекистон халқ шоири  
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ.



## СОАТИМНИ ЕЧИБ ҚҮЙДИМ

Хаёт завқи ўйнаб оқар шарқироқ сойда,  
Жилоланиб күринган балқиган ойда.  
Булбулларнинг овозидан жўшиб кетаман,  
Қўшинай бўлиб қувончимни қўшиб айтаман.

Қадамимга боғу чаман ташлар поёндоz,  
Қўёш порлаб диёримга беради пардоz.  
Гўзалликлар бошланади менинг юртимдан,  
Ҳақлигига эътироz йўқ сўраманг кимдан.

Олқишлийман кулиб турган шундай маконни,  
Ризқ-рўзим, баҳту иқбол, меҳр ила жонни.  
Шукур дейман шу Ватандо ўсганим боис,  
Илк қадамни бу тупроққа босганим боис.

Отим чайир учиб борар яшин сингари,  
Алларнинг тулпоридан қолмайин нари.  
Эркин қушман, армон билан боқмайман энди,  
Соатимни ечиб қўйдим тақмайман энди...



## ТОНГ

*Сәхрли тонг, феруза осмон,  
Чайқалади нафис майсалар,  
Олтин сирға құлоқларида,  
Оппоқ нүрга чүмилар улар.  
Түрфаранг бог, төглар ортидан,  
Қүёш күлиб боқади аста.  
Күз етмаган олис қорлардан,  
Келган сұвлар шарқырап пастда.  
Мен үларнинг тенгсиз суратин,  
Мусаввирдек қалбга соламан.  
Таърифига тополмай бир сүз,  
Хижсолатдан үнсиз қоламан.  
Шу түмөрдай дилкаш табиат,  
Ватанимнинг битта парчаси.  
Оқиб түрсин томирларимда,  
Диёр меҳри, тонгнинг нафаси.  
Сәхрли тонг, феруза осмон,  
Чайқалади нафис майсалар,  
Олтин сирға құлоқларида,  
Оппоқ нүрга чүмилар улар.*

## ХОЛ

Майин шаббоданинг кафтида кулган  
Гулларга термилиб ҳузур қиласан.  
Уларниңг сөхрли гулгүн күзида  
Юлдузларга чўмган тунни кўраман.

Ой порлаб туради ҳурлар багрида,  
Осмон чаманидан лаззат олар жон.  
Чор тараф багридан келади садо,  
Бу сенинг Ватанинг қувонгин-қувон.

Қувонмай бўларми яшнаб турса у,  
Дилингга шеърият чўгини солса.  
Энг оғир дамларда тогдек сўянчиқ,  
Бошингда соябон бўлиб туролса.

Бу менинг жаннатим – гуллар кўзида,  
Тенгсиз порлаб турган қиёссиз жамол.  
Шу жамол ҳуснига минг ҳусн қўшиб,  
Ошиклар қалбини мафтун этган ҳол.

## САДОҚАТ

Йўллар яҳши бўлса, қадамлар яҳши,  
Қадамлар яҳши дур, одамлар яҳши.  
Ҳабо яҳши, демак, олмаю анор,  
Баҳорнинг элчиси бодомлар яҳши.

Ҳаётда неки бор чамбарчас боғлик,  
Бири иккинчисиз мазмунсиз дунё.  
Гар қуёш чиқмайин қолса оламга,  
Ўзинг қиёматдан сақлагин Худо.

Донишлик – Ватандан айро тушмаслик,  
Тупрогин минг ўпид яшамоқ шараф.  
Субҳидам чогида қўлингиз очиб,  
Юртга омад тиланг қиблага қараб.

## ҮЗИНГДАН АЙИРМА ВАТАНИМ...

*Гулларга термилиб тұраман,  
Хаётнинг гаштини сұраман,  
Қалбимда бир жаннат күраман,  
Бу жаннат меники-меники...*

*Бог ранглар күйнида жилвагар,  
Булбул ёр бошидан айланар.  
Қалбимда бир жаннат күраман,  
Бу жаннат меники-меники...*

*Күшиқлар күйлайди ёмғирлар,  
Лолага бурканар төг, қирлар.  
Қалбимда бир жаннат күраман,  
Бу жаннат меники-меники...*

*Шалола берилиб чалар соз,  
Майсалар тебраниб қилас қоз.  
Қалбимда бир жаннат күраман,  
Бу жаннат меники-меники...*

*Ариқлар лабида ялпизлар,  
Бүйидан маст бўлар ҳур қизлар.  
Қалбимда бир жаннат күраман,  
Бу жаннат меники-меники...*

*Мен қайга боқмайин ўша Сен,  
Дунёда тенги йўқ гўша Сен.  
Қалбимда бир жаннат күраман,  
Бу жаннат меники-меники...*

*Ўзингдан айрма, Ватаним,  
Тузингдан айрма, Ватаним.  
Қалбимда бир жаннат күраман,  
Бу жаннат меники-меники...*

## УМИДИМНИНГ ТАГЛАРИДА КОР

Умидимнинг тагларида кор,  
Кўшиқ куйлаб, рақс этар булоқ.  
Жилоланиб бир денгиз оқар,  
Осмонида порлаган чироқ.

Умидимнинг тагида баҳор,  
Дараҳтларнинг шоҳлари бодроқ.  
Булбул, қумри чақ-чақларидан  
Яшнаб турар оромижон боз.

Умидимнинг тагларида сой,  
Дарё оқар шўхчан, наволи.  
Ой, юлдузлар сузар бағрида,  
Келинчакдай нозли, иболи.

Қай тарафга бокса үмидим,  
Кулиб турар гўзаллик шадон,  
У малак, ҳур, парирўй бўлиб,  
Хузуримга югурад жонон.

Ушбу жонон-пари, ҳур, малак,  
Ватанимнинг эртанги Тонги.  
Орзуларим гулга ўраган  
Унинг ишқи, жилоси ранги.

Умидимнинг тагларида кор,  
Кўшиқ куйлаб, рақс этар булоқ.  
Жилоланиб бир денгиз оқар,  
Осмонида порлаган чироқ.

## ШОИР БҮЛИБ КЕТАДИ (Фахрия)

Кимки келса Құқонга,  
Орзусига етади.  
Заррача бүлса илжом,  
Шоир бүлиб кетади.

Хар күча, ҳар үйлакда,  
Дүч келади шоирға,  
Хайрат бармогин тишлаб,  
Хайрон қолар бу сирга.

Мүкимиій, Фурқат, Забқий,  
Нодира, Айбар отин.  
Нафосат осмонида,  
Порлаб турған ойю күн.

Чархий, Собирұ Җустий,  
Усмон Носир, Ҳамзалар.  
Ҳабиб, Айвару Дилбар,  
Юрагинга ұт қалар.

Эшитгандым бир замон,  
Мехмон Қайсын Қулиев.  
Ҳамза юбилейніда,  
Сұзлаганды шүндай деб:

- Құқонлик оналарнинг,  
Сүти мұтлоқ бошқача.  
Шүнинг үзін ижодкордир,  
Барча қари-ёшгача.

Яратғаннинг амри-ла,  
Донги кетған шаҳар бу.  
Ғазалу қүшиқларин,  
Жонга битған шаҳар бу.

*Ҳа, Эгамнинг корини,  
Ҳеч ким инкор этолмас.  
Қўқонликлар шунака,  
Шеър ўқишар басма-бас.*

*Кимки келса Қўқонга,  
Орзусига етади.  
Заррача бўлса илҳом,  
Шоир бўлиб кетади.*

## КУЗ

*Қуёш бўгун қизариб боқди,  
Борлиқнинг кўзгуси юзида.  
Боқишлиари оламга ёқди,  
Лоланинг туси бор тусида.*

*Яшнаб кетди ернинг жамоли,  
Қўшиқларнинг тили сайдади.  
Нурга чўмган Қодир бобонинг,  
Қўли боғлар ичра яйради.*

*Дарахтларнинг нафаси юмшоқ,  
Тагларидур кўпган, киройи.  
Эгатларда кумуш ранг оқар,  
Жилоланиб, қилиб хиргойи.*

*Шоҳларини тарар шаббода,  
Сочларидан тўқилади зар.  
Ярашади гўзалликка мос,  
Замин узра кўтарилган пар.*

*Хурмозор бог кузнинг гулидир,  
Фарзандидан магрурдир – Она.  
Дунёда бир жаннат бордир у,  
Ўша жаннат биздир, ягона.*

## ҚОЯ

Қаҳратан қиши чаги, оғочлар шоҳи,  
Булдүрүк юқидан эгилар ерга.  
Назарали бобо тиниб-тинчимас,  
Елкада кеттмони – йүл олар қирга.

Чилла сүбин берар, бөг ризқи рүзи,  
Эртәнги күнінга сұянчик, мадор.  
Белида белбоги бояланған маңкам,  
Әтиги остида гирирлайды қор.

Оқшом қанотини ёзар заминга,  
Изгирин ялайды үнінг юзини.  
Оёғин күтариб қүйгүнга қадар,  
Беркитиб құяды босған изини.

Совуқдан чүчимас, парвои фалак,  
Күксіда юраги ёнади лов-лов.  
Нафаси тафтидан зриб кетади,  
Кипригу қошиға илингап қирор.

Юлдузлар чарақлар, порлаб турар ой,  
Килингап ишларга маҳлиё олам.  
Магрүр кириб борар хонадонига,  
Күллари таъзимда – беради салом.

Болалар югурар қучогин очиб,  
Дастурхон түзайды Құмрихон ая.  
Киприги остидан жилемайиб боқар,  
Бошида гоз турған мүйсафиid қоя.

## ЎЗБЕГИМ

Тарихингга түгірек тортдилар,  
«Саводсиз» деб гапни сотдилар,  
Ким қаршиадир шартта отдишлар,  
Йиглаб-йиглаб ўтдинг Ўзбегим.

Бор бойлигинг супириб олди,  
Сенга чанғы губори қолди,  
Халқинг қарғаб Худога солди...  
Йиглаб-йиглаб ўтдинг Ўзбегим.

Афғон сари йигитлар кетди,  
Оёқдамас тобутда қайтди,  
Не-не мардлар «ёр-ёр»сиз ўтди,  
Йиглаб-йиглаб ўтдинг Ўзбегим.

Порламади асло чирогинг,  
Хазон бўлди яратган богинг,  
Доим эгик турди байрогинг,  
Йиглаб-йиглаб ўтдинг Ўзбегим.

Бир сўз десанг, тилинг уздилар,  
«Миллатчи» деб тұхмат тұздилар,  
Томир-томирингни эздилар,  
Йиглаб-йиглаб ўтдинг Ўзбегим.

... Бугун кулди асрий армонлар,  
Юртга жонин тиккан қурбонлар,  
Эркни күтган ранги сомонлар,  
Муродингга етдинг Ўзбегим.

Осмон қадар күтарилди бош,  
Бошинг узра нур сочди қуёш,  
Ер юзинда тан олинди Шош,  
Ўзлигингга қайтдинг Ўзбегим.  
Ўз қўшигинг айтдинг Ўзбегим.

## ПОКЛИК

Дүйстгинам, қулоқ түт айтган сүзимга,  
Дилингга түгіб ол, сингмасин құмға,  
Дүнё өафо қылған эмас ҳеч кимға,  
Бир күн келмоқлик бор, бордир кетмоқлик.

Оёгинг қаттиқ бос, түрсін ү ерда,  
Нафсингни енголсанғ, еттар бир бүрдә,  
Хаётинг үтади фәқат сүрүрда,  
Бир күн келмоқлик бор, бордир кетмоқлик.

Дод солиб бошингни тошға үрсанғ ҳам,  
Минг иил таҳт үстида даврон сүрсанғ ҳам,  
Дүрү гөвхарлардан қаср курсанғ ҳам,  
Бир күн келмоқлик бор, бордир кетмоқлик.

Күзни катта очиб, оқилдан сүра:  
- Ҳеч ортга қайтғанми сиб ё шаршара?  
- Мен лолман, - дейди ү. – Оллоҳға қара,  
Бир күн келмоқлик бор, бордир кетмоқлик.

Бұ ҳақ карорини зарра үнүтмоқ –  
Дүзах эшигига отини сурмоқ,  
Мұслимлик номидан бүткүл айрилмоқ...  
Бир күн келмоқлик бор, бордир кетмоқлик.

Бұ ёрүг оламга келмади кимлар,  
Олиму подшоҳ – бари үтдилар,  
Сүнгги дам құлиға нима түтдилар?..  
Бир күн келмоқлик бор, бордир кетмоқлик.

Сабоб иш айласанғ күнглинг баҳордур,  
Сабобнинг эртага ҳосили бордур,  
Нокас, юлгичлардан барча безордур,  
Бир күн келмоқлик бор, бордир кетмоқлик.

*Хақ ғапни айтдим мен – Назиржон Назар,  
Нопоклар изидан айлагин ҳазар,  
Донолар ибрати – жаннату кавсар,  
Бир күн келмоқлик бор, бордир кетмоқлик.*

## **ГҮЗАЛ ГҮРТЕПА**

*Ватан ичра бордир бир Ватан,  
Хар гиёхи күзим қораси.  
Түпрөгига жоним садақа,  
Бунда ўсар гүллар сараси.*

*Хидласа ким нари кетолмас,  
Булбұл ишқи түшар бошига.  
Маджин ўқыр шоир, құшиқчи,  
Елдай үчиб бориб қошига.*

*Үглонлари Айваржон, Султон,  
Асалхонлар халқига содиқ.  
Алпомишлиар түгилған юртда,  
Топилмайды шудсиз, мұнофик.*

*Фаҳр билан айлайман тәзізим,  
Волидамнинг томири шунда.  
Қачон ўтсам үнинг ёнидан,  
Зиёратни құлмайман канда.*

*Шу чаманға ошиқлик арзир,  
Номи машхур гүзал Гүртепа.  
Тальятида порлаб турар нур,  
Жононлари пари, ҳүртепа.*

*Ватан ичра бордир бир Ватан,  
Хар гиёхи күзим қораси.  
Түпрөгига жоним садақа,  
Бунда ўсар гүллар сараси.*

**САХИЙ ДАРАХТ**  
(Муроджон Ашурогва)

Чүст шаҳрининг ўртасида  
Мўъжизакор бир дарахт бор.  
Хўзурига тинмай оқар,  
Ёшу қари қатор-қатор.  
Ҳосили мўл баргларидан,  
Ейилади эртаю кеч.  
Қаранг, Аллоҳ, қароматин.  
Еган билан тугамас ҳеч  
Кўзга суртиб қанча одам,  
Олиб кетар олисларга.  
Таърифига қулоқ тутсам,  
Тўлиб кетар дил ҳисларга.  
Мен ҳам шулар қаторида  
Ихлос қилиб роса тўйдим.  
Сўнгра унинг уруғидан  
Юрагимга экиб қўйдим.



## **СИЗНИ ЁД АЙЛАР ЗАМОН** (Устоз Чархийга)

*Шоир ўтирибди үйчан, хаёлчан,  
Хонтахта үстида қаламу қогоз.  
Янги газалига қўйилди нуқта,  
Дўстлар кириб келди қўлларида соз.*

*Қўшиқлар янгради Завқий, Фурқатдан,  
Муқумий шеърлари айлади сархуш.  
Ҳофизлар танбурун пардаларига,  
Қўнди ҳў ҳавода учиб юрган қуш.*

*Бундайин ҳайратдан баҳраманд одам  
Минг битта дардини унумтар шу дам.  
Рӯзи парвоз этиб фалак фалакка,  
Бир умр чекинар дилидаги гам.*

*... Ҳайҳот, ёнимизда бугун шоир йўқ,  
Қолами ётибди уни согиниб.  
Булбул бўзламоқда яккаю ёлгиз,  
Устоз эккан гулнинг шохида туриб.*

*... Мен ўша кунларни қўмсаган онда  
Файзли ҳужрага учиб бораман.  
Қўлимга оҳиста дуторни олиб,  
«Қиёлаб ўтди»ни хониш қиласман.*

*Сиймоси кўринар кўзим ўнгида,  
Хонтахта үстида қаламу қогоз.  
Янги газалига қўйилди нуқта,  
Дўстлар кириб келди қўлларида соз...*

## ЖАЛА

*Осмон кипригидан тинмайди жала,  
Ер қайнаб күпирар булок сингари.  
Оёгин туттолмай учар харсанглар,  
Тоглар уқаланар қүйилган сари.*

*Дараҳтларнинг қадди эгилар ёйдек,  
Майсаю чаманлар кўтаролмас бош.  
Бу ёққан жаламас, куйдириувчи ўт –  
Мусофири Бобурнинг кўзидағи ёш...*

## КАПАЛАК


*Эрта туриб Алишер,  
Кўз ташлади осмонга.  
Осмон тўла капалак,  
Югурди у томонга.*

*Қубиб терга пишилиб,  
Завқланиб унга етди...  
Ушлаганда ўша он,  
Капалак эриб кетди.*



## МАШРАБ ФАЗАЛИГА ТАТАББУЪ

Ишқинг ўтига парвона бўлдим,  
Ҳар дам пойингга остона бўлдим.  
Ўтдинг ёнимдан илмай назарга,  
Кўнглим эзилди, вайронна бўлдим.  
Багримтошлиқ ҳам бўлурми шунча,  
Қилган ишингдан ҳайронна бўлдим.  
Оҳимдан күйиб, фалак кўл бўлди,  
Мажнун додига ҳамхона бўлдим.  
Қаддимни янчди бесутун тоги,  
Куингда ишглаб дебона бўлдим.  
Дунёда ушишоқ бисёр ва лекин,  
Давоси ҳечдир, бир сона бўлдим.  
Аллоҳ, ўзингга қилдим муножот,  
Инсафга келтир, гамхона бўлдим.  
Мехрийга бергин сабр ила бардош,  
Ўйлаб ўйида мастана бўлдим.



## ТҮРТ ТОМЧИ ЁМГИР

Бүгүн шаррос қүйган бешафқат жала,  
Көз очиб юмгүнча эсдан йүқолди.  
Кече ташлаб үтган түрт томчи ёмгир,  
Сени топган дамни ёдимга солди.

Шүкүрким, богимиз яшиар күндөн күн,  
Хар битта мөваси мақташга лойиқ.  
Қиёси топилмас бутун дүнёда,  
Тасанно дейдилар бизга халойиқ.

Шу жаннат богида даим фахрла,  
Дастурхон үртада давра курамиз,  
Фотиҳа олдидан лаззатли ұша,  
Түрт томчи ёмгирни эслаб құямыз.

## СОВЧИ (Хазил)

Бир күн түйдә учратиб қолдим,  
Банд этдингиз хаёлларимни.  
Исмингиизни айтиш гүнохми?  
Қийнадингиз саболларимни.

Нүрдай учиб келдим үзоқдан,  
Севғанимдан сизни атайин.  
Бир гапим бор, үйқ деманг асло,  
Хұрсанд бўлиб үйга қайтайн.

Феълингизнинг ўсаллигини,  
Қўшингиздан сўраб билганман.  
Шу сабабдан онамга айтмай,  
Совчи бўлиб ўзим келганман.

## СЕНИ КУТГАЙМАН

Үйкү келмас сира кечалар  
Мендан иирөк кетди нечалар,  
Бефаиздир сенсиз күчалар,  
Сени кутгайман.

Кокилингга илиниб қолдим,  
Хаёлларим ичра йүқөлдим,  
Ботмагин деб кунга ёлбордим,  
Сени кутгайман.

Сой тортиниб қараиди пастда,  
Қийнама жон, дилгинам хаста,  
Құчогимда минг бир гулдаста,  
Сени кутгайман.

Кутавериб йүллар ииглади,  
Күзимдаги селлар ииглади,  
Тошиб-тошиб күллар ииглади,  
Сени кутгайман.

Үртанаман үзгани сүйсанг,  
Умидимни бүгзидан қийсанг,  
Хаёт шамим үчириб қүйсанг,  
Танҳо үтгайман.



## **Бевафога** (Ёшлик дафтаридан)

*Кутар эдим бог ичра ёлгиз,  
Йүлларига күзим интизор.  
Юрак үрар эди бетоқат,  
Қани энді келақолса ёр.*

*Келмади у, соатлар үтди,  
Күзим қолди ёр келар ёқда.  
Ахир кече айтган эди-ку,  
Кутаман деб, худди шу бодда.*

*Изтиробим ортарди гүллар,  
Кулғандайин бұларды зымдан.  
Хижолатни зўрлигиданми,  
Ёлқин сочар эди күзимдан.*

*Күтс-кута охири йўлга,  
Чиқдим кетиш учун. Ўша қиз.  
Қўл ушлашиб бир йигит билан,  
Келар эди, кутибман эссиз.*

*Тўфон бўлиб кетди ҳисларим,  
Не хаёллар эшигин урди.  
Эргаштирмоқ бўлиб ортидан,  
Уз йўлига жиловлаб бурди...*

*... Йўқ, юрагим ҳанжари билан,  
Рашкнинг чунон бўғзидан тилди.  
Ўзингни бос, дея тасалли  
Бериб пойим үзра йиқилди.*

*Кўз олдимдан тарқалди туман,  
Лабга босдим тонгнинг юзини...  
Юриб бордим қиз қаршисидан,  
Эсларми деб берган сўзини.*

*Бир бокди-ю, қилмайин парво,  
Үтар экан ёнгинамдан жим.  
Шу чоқ дилда түгилди сабол,  
Мен эшишган бебафоси ким?*

*Ха, ечолмай келганим жумбок,  
Вүждимни тирнаган тикон.  
Юрагимдан қилгандым сүрөк,  
Бебафоси худди шу экан.*

## **НАҲОТКИ СИРИНГ ПИНҲОН** (Тазмин)

*Ҳар дам сени согинсам,  
Тол баргига қарайман.  
Рангим зафаронлигин,  
Юлдузлардан сўрайман.*

*Ослон ости қалдиrok,  
Гумоним йиглар унда.  
Наҳотки сиринг пинҳон.  
Гул гүнчаси түгунда.*

*Қалбингни оч сарвиноз,  
Тилагимга тош отма.  
Агёrlарни кулдириб,  
Кўзларимга нил тортма.*

*Қошингнинг қаросига,  
Хол бўйай аросига,  
Бунча раҳминг келмайди,  
Бирорвнинг боласига.*

*Ослон ости қалдиrok,  
Гумоним йиглар унда.  
Наҳотки сиринг пинҳон.  
Гул гүнчаси түгунда.*

## ИНТИЗОР ЭТМА...

Эй санам, ишқинг ўтида ёнаман,  
Ишк ўтида ўртаниб түлгөнаман.  
Пойингга бошим күйиб ёлбораман,  
Интизор этма мени бебошгинам,  
Багри тошим, багри тошим, «ёшгинам».

Интизорлик кипригимни ёшлади,  
Ақлим олиб бадгумонга бошлади,  
Үйлар ичра эзди, янчид ташлади,  
Интизор этма мени бебошгинам,  
Багри тошим, багри тошим, «ёшгинам».

Багри тошлик иғнаси санчилди-ку,  
Тош билан орзуларим янчилди-ку,  
Яшнаган севгим гули эх сүлді-ку,  
Интизор этма мени бебошгинам,  
Багри тошим, багри тошим, «ёшгинам».

Дилраба, кел «ёшилгингни» ташлагин,  
Ошигингни баҳтли йүлга бошлагин,  
Бир кулиб Назрий дилини хушлагин,  
Интизор этма мени бебошгинам,  
Багри тошим, багри тошим, «ёшгинам».



## ДИЛБАРГИНАМ, ДИЛБАРЖОН

Тим-тим қора сочинг бор,  
Кўзларинг чарос, хумор,  
Мен йўлингга интизор,  
Дилбаргинам, дилбаржон.

Интизорлик кўп ёмон,  
Рангимни қилма соман,  
Қалбимга экма гумон,  
Дилбаргинам, дилбаржон.

Гумонга йўқ бардошим,  
Раҳм қил қалам қошим,  
Истагим бўл йўлдошим,  
Дилбаргинам, дилбаржон.

Кел-кел, чўлпон бўлиб кел,  
Ойдек балқиб тўлиб кел,  
Гулдай яшиаб кулиб кел,  
Дилбаргинам, дилбаржон.

Назиржон сенга шайдо,  
Изларингга жон фидо,  
Ишқингни қил хувайдо,  
Дилбаргинам, дилбаржон.



## КУЛИШЛАРИНГГА БОРМАН (Чустийга назира)

*Сочларингни майдалаб ўришларингга борман,  
Чимириб қошларингни туришларингга борман.*

*Юзларинг ширмон кулча, белинг нозикдир қилча,  
Лабларинг гүё гүнча кулишларингга борман.*

*Сой бўйида мажнунтол, кўкдан боқар ой-ҳилол,  
Сен ҳам үхламай хаёл сурисларингга борман.*

*Ҳар бири дона-дона жаранглайди, жонона,  
Заргар мисол сўзингни теришларингга борман.*

*Лутфингда зарра кам йўқ, сендан гўзал санам йўқ,  
Жон баҳш этувчи сұхбат қуришларингга борман.*

*Ҳаё ила, ноз билан, шарқона пардоз билан,  
Вафо тўла қалбимга киришларингга борман.*

*Ўн саккизда ёшларинг, сирлидир қараашларинг,  
Оқу қизилга ажраб тўлишларингга борман.*

*Мозийдан қолган одат, у келтираса саодат,  
Рашк қилиб ўзгалардан қўришларингга борман.*

*Гоҳида араз қилиб, қовматингни гоз қилиб,  
Узр айтсам лабингни буришларингга борман.*

*Энди ранжитмам десам, такрор инжитмам десам,  
Эркалаб ёногимга ўришларингга борман.*

*Мехрийнинг меҳрин оқлаб, муҳаббатин ардоқлаб,  
Бир умр ёнгинамда юришларингга борман.*

## ЖОНГА БОҚ, ЖОНОНГА БОҚ

Гар сенга роҳат керак,  
Яшнаган бўстонга бок.  
Ақлингга нур баҳш этар,  
Эртагу достонга бок.  
Ғам керакмасдур менга.  
Шодлигим бокий десанг.  
Жон фидо қилган ўшал  
Жонга бок, жононга бок.  
Қанчалар ширин Сүхан,  
Бўлса ҳам булбулни қўй.  
Ҳар сўзи оромижон,  
Тиллари бийронга бок.  
Юрса боғда дилрабо,  
Гул қилур таъзим бажо.  
Эгнида гулгун қабо,  
Бир неча ҳайронга бок.  
Ранги кўзларни олур,  
Ҳосили дур тоғланур.  
Кўнглингга ҳайрат солур,  
Кузга бок – гулшанга бок.  
Барчага ибратлидур,  
Қалбида орзу, сурур.  
Юртидан минг ўргилур,  
Беназир, Инсонга бок.  
Меҳриё, гафлат ёмон,  
Уйқудин бўлгин йироқ.  
Покиза топган ҳалол,  
Буғдою ширмонга бок.

## КУТГАНЛИГИМ РОСТ

Термулиб үйлларингга кутганлигим рост,  
Ҳар дам куйлаб құчанғдан үтгандыким рост.  
Ошиқ-шоир десалар лоғ қилма дердим,  
Ишқинғда ёниб шеърлар битгандыким рост.

Келгин деган жойинға нурдаи югурдим,  
Чаманлардан үялиб, кетгандыким рост.  
Ёлғончи, пүч вәъдалар дардим ошириди,  
Дардларимни дүторга айтгандыким рост.

Мұхаббатнинг илдизи тенгсиз ақлдур,  
Азобларинг ичимга ютгандыким рост.  
Танг айлади ҳолимни, нодонлигинғдан,  
Пешонамга минг бора чертгандыким рост.

Гұнақ бўлур яширсам, тўғрилик баҳтдур,  
Бир неча ёор аҳдимдан қайтгандыким рост.  
Тушларимда кўрдим-ей орзуларимни,  
Қучогинғга қуёшдай ботгандыким рост.

Майли қийна, қийнагин, сабрга қулман,  
Сархұш бўлиб қўйинғда ётгандыким рост.  
Меҳрийнинг меҳри қатый бўлса не қиласай,  
Гиналарни бошимдан отгандыким рост.



## РАД ЭТМАНГИЗ

Осмонда ой, ҳам ердаги ёргуғ жаҳонсиз,  
Боз устига жиссимидағи рүх ила жонсиз.

Жоним десам, минг үргилиб, күнглим түлмогай,  
Ҳали дүнё ҳеч күрмаган гүнчадаҳансиз.

Қаддингизга сүз тополмай ёқосин ушлар,  
Қоши камон, сарви рабон, мүрчамиёнсиз.

Хумор этар пинҳон-пинҳон бокишларингиз,  
Етмииш икки томиримда айланган қонсиз.

Ақлу идрок, ҳаё шунча бўлурми ҳай-ҳай,  
Яратганинг инъомига ярашган қонсиз.

Ҳусн шоҳи мен деганлар ўтсин қиёлаб,  
Хон-хонларнинг ичидағи энг олий ҳочсиз.

Рад этмангиз, Мөхрий бошин элтинг фалакка,  
Осмонда ой, ҳам ердаги ёргуғ жаҳонсиз.

## ЁРИМ БЕРГАН РҮМОЛЧА

Сой бўйида ўтиурсам,  
Рўмолчам тушиб кетди.  
Югурдим... Тўлқинлардан  
Тўлқинга учиб ўтди.

Қараб турдим ортидан,  
Кўзимда акси қолди.  
Қанотларин силкитиб,  
Лип этди-ю, иўқолди.

Ёрим берган рўмолча,  
Энди қайдан топарман.  
Нўноқ бўлмасам бунча,  
У кетди-ю, бедорман...

## ҚОЛМАСИН УВОЛИМГА

Тонгда эсган шаббода,  
Салом айтгин ёримга.  
Юзи гул, зулфирайхон  
Күзлари хуморимга.

Боргин, у интизор де,  
Жаҳон күзига тор де,  
Қайтганингда ташлаб ўт  
Жавобин саломимга.

Аразни энди күйсин,  
Үлка-гиналар күйсин,  
Севгимиз нурга тўлсин,  
Кулоқ солсин зоримга.

Ичим зардобга тўлди,  
Кулогим гапга тўлди.  
Ўйламай ақлсизлик  
Қилган у каломимга.

Золим бўлмасин жуда,  
Вақт ўтмасин беҳуда.  
Мұҳаббат ҳаққи жоним  
Шафқат қилсин ҳолимга.

Қилмасин бепарвоник,  
Яна баланд ҳавоник.  
Шодлигим үнга боғлик,  
Қолмасин уволимга.

## ГАЙИРЛАРДАН АЙЛАГИН ЙИРОК

Мен ўзимга сигмайин қолдим,  
Кенгликларга кетгим келади.  
Денгизларга бориб, дардимни  
Балиқларга айтгим келади.

Олмай қүйдим құлимга қалам,  
Ёзинг дея асло қистаманг.  
Мендан чиқмас Усмон, Абдулла,  
Шоир бўлишишмни истаманг.

Қайтсам дейман болалигимга,  
Беауборлик, беганим күнлар.  
Юрагимда тиниқлик, баҳор,  
Рўмолчамга тушмас түгунлар.

Қайтар, ўшал ширин дамларга,  
Гайирлардан айлагин йирок.  
Чоён заҳрин чеккандан кўра,  
Бола бўлиб қолган яхшироқ.

Мен ўзимга сигмайин қолдим,  
Кенгликларга кетгим келади.  
Денгизларга бориб, дардимни  
Балиқларга айтгим келади.



## ШЕЪР ДЕГАНИ...

(Устоз ва талабчан шоир Ҳабибулло  
Сайд Ғанига ҳазил шеър)

... «Ёзинг» деди талабчан устоз,  
Хўрсанд бўлиб киришиб кетдим.  
«Еустимдан кулдимикин» деб,  
Ақл билан суришиб кетдим.

Ёзавердим, ёзавердим кўп,  
Тўлиб кетди қанча вараклар.  
Сочларим ҳам тўкилиб кетди,  
Керак бўлмай қолди тароқлар.

Кунлар ўтди, ишлар кетма-кет,  
Мисраларим бўлди минг қучоқ.  
Меҳнатларим кетмади зое,  
Бу ишимдан кўнглим бўлди чоға.

Олиб келдим устоз қўлига,  
Деди: – Яна керак анча вақт.  
Машаққатдан қочган одамни,  
Сийламайди, кўрмаганман баҳт.

Киприк қоқмай ишладим раса,  
Бундан бошқа ишим қолмади.  
Тизавериб дунёда қалам,  
Умрим ўтиб, тишим қолмади.

Қирқ түяга топганим юклаб,  
Такрор устоз олдига чопдим.  
Омадимни келганин қаранг,  
Ҳеч қийналмай уйидан топдим.

Ижодимни жиiddий вараклаб,  
Жилмайди-ю, бир сўз айтмади.  
Кириб кетди кулбаси томон,  
Кутавердим, сира қайтмади.

Шоирликни осон иш эмас  
Эканлигин билдим шу онда.  
Шеър дегани у ҳалво эмас,  
Тайёр турмас экан дўконда.

# **САМАРҚАНД НАВОЛАРИ**



## АРМОН

Темур бул фанодан бақога кетди,  
Хомуш бўлиб қолди яратган боғи.  
Тупроги совимай ҳали қабрининг,  
Йиқилди кўк узра тиккан байроги.

Майдаланиб кетди умрин ҳосили,  
Беклар бир-бираига отини солди.  
Қонхўр қиличлару наиза остида  
Кўзини очмаган орзулар қолди.

Еру кўк кул бўлди тўплар зарбидан,  
Замин кучогига сигмади фарёд.  
Осмон кипригидан дарёлар оқди,  
Фалакда чақмоқлар узвос солди, дод.

Керак бўлиб қолди фидойи инсон,  
Ҳалоийқ муножот қилди Ҳудога.  
Азобин бермагин, ўзингга осон,  
Дедилар, – оромсиз, баҳтдан жудога?

Бобур қулогида жаранглар садо,  
– Тур, ўглим, ўрнингдан, бўлмагин лоқайд.  
Нега ўйламайсан, бўлинди Даълат,  
Бобонг саволига жавобингни айт.

Бирдан чўчиб бошини кўтарди Шерзод,  
Бир сиқим тупроқни кафтига олди.  
Кўзига суртди-ю, белига боғлаб,  
Саманин Самарқанд йўлига солди.

*Курашди... Неча бор. Енгди... Енгилди...  
Ваъдага вафосин қилолмади ҳил.  
Юракда армони – Ҳинд сари юрди,  
Не қилсин, битганди тақдири азал.*

*Ким қарши борарди Ҳақ қарорига,  
Йўқса ёттармиди Афғанистонда.  
Ўзига қолганда ўқилар эди,  
Жаноза туғилиб ўсган маконда.*

*Дунё кўрмади ҳеч ҳозирга қадар,  
Бобурдек жаҳонгир қутлуғ қадамни.  
Бобуршоҳ нур эди. Тарих билганмас,  
Нурга түпроқ тортиб кўмган одамни.*

## **САМАРҚАНД**

*Дилга сизгас ҳайрат билан  
Ҳузурингга учаман.  
Зарафшонга лабим босиб,  
Тупрогингни қучаман.*

*Кўз олдимдан ўтар бир-бир,  
Ўтмишимиз торлари.  
Ёмон кўздан асрагувчи,  
Кўз мунчоқ туморлари.*

*Нафаслари қулогимга,  
Оқиб келар наводай.  
Илҳом берар роҳатижон,  
Майин эсган сабодай.*

*Ал-Бухорий, Мотрудий  
Иймонимиз таянчи.  
Адашганга йўлчи юлдуз,  
Миллатимиз қувончи.*

*Юлдүзларнинг құчогида  
Порлаб тұрага зұр олим.  
Нече-нече алломани  
Лол қолдирған мұаллим.*

*Улар тенгсиз ақлимизни  
Исбот қилиб үтдилар.  
Лекин, қанча армонардан  
Тилин тишлаб кетдилар.*

*Эшитмади дардларини,  
На қозиу ҳүкүмдор.  
Машрабларнинг сўзларига  
«Қулоқ тұтди» охир дар...*

*... Қылмасин не қабоҳат,  
Йүқолмади үргулар.  
Қаранг, Аллоҳ иноятин,  
Яна чиқди үлүглар.*

*Улуг Тұрсын, Раҳматулло,  
Бозорбою Зарифжон.  
Воҳид Абдулло, Суюнбек,  
Илмига қойил жаҳон.*

*Дилга сигмас ҳайрат билан  
Хүзүрингга учаман.  
Зарафшонга лабим босиб,  
Тұпрогинғни қучаман.*

*Эй Самарқанд, юртим күрки,  
Үзлигимсан – үзимсан.  
Таърифинғга йиллар излаб,  
Тополмаган сўзимсан.*

## ШАРҚ ТАРОНАСИ

Булбұлжон, сайраши тарқ әтгін бир оз.  
Кел, түшгін ёнимга, жүр бұлғын сен ҳам.  
Күйлар таралмоқда бутун оламга,  
Гафлатда қолсанғ гар сұнг қилар алам.

Түхтә! Сүзин сира эшиштмаганди...  
Мағрур юрар әди ү оғазидан.  
Бүнгә ҳам бор әди сабаблар қатор,  
Бемор түзәларды дилбар созидан.

Күй ағжы әшилиб чиқди самога,  
Қулоққа айланди бутун мағжудод.  
Гүзәллашиб кетди кекса Регистон,  
Эркінлик бағтига эришган ҳаёт.

Хақиқат. Бұгунғи «Шарқ таронаси»,  
Бағсда тортишиб бүлбүлдан үтди.  
Бүлбүл қойил қолиб, қуллуқ қилди-ю,  
Унинг құшигига құшилиб кетди.





Таниқли хофиз Н. Назаров, шоир-Ҳабибулло Сайид Ғани билан



Н. Назаров бир гүрух ижодкорлар билан.

## СҮРАЙМАН ҮЗР

Қачон юрсам Бүхоро томон,  
Бир шаҳар бор, кириб ўтаман.  
Қайтганимда қиёлаб ўтмай,  
Яна бир бор кўриб қайтаман.

Томирлари етти қават ер,  
Туб-тубига бориб қадалган.  
Минорларнинг фалакда боши,  
Дунё ќизин ҳайратга солган.

Қанча-қанча замонлар ўтди,  
Ажин тушмас гулдек юзига.  
Кеча-кундуз чараклаб турған,  
Такрори йўқ ойнинг қизига.

Унга ошиқ факат мен эмас,  
Агёрларим минг-минг, саноқсиз.  
Рашким келар кўпайган сари,  
Бирор оғиз мендан сўроқсиз.

Самарқандим, сўрайман үзр,  
Ҳазил қилдим. Лекин, орим бор.  
Ишқ ўйлидан қайтмайман сира,  
Ортда қолмас Бойчиборим бор.

Қачон юрсам Бүхоро томон,  
Бир шаҳар бор, кириб ўтаман.  
Қайтганимда қиёлаб ўтмай,  
Яна бир бор кўриб қайтаман.

## САМАРҚАНД ҲАВОСИ

Ўхшаши йўқ мұаттар ҳаво,  
Күйламасам йўқдир иложим.  
Қүчогимга босгим келади,  
Лекин, етмас үнга қулочим.

Симираман, тўймайман асло,  
Даштда чанқаб қолган одамдай.  
Кўп замонлар юртдан айрилиб,  
Пушмон билан қайтган қадамдай.

Бу ҳавонинг жисмида не бор?  
Жавобига бўлгандим гадо.  
«Улуғларнинг нафаси», деган,  
Қулогимга келди бир садо.

Чидолмайман қонмасам ҳар кун,  
Булут тўйсса қийналар қуёш.  
Мен дардимни тупроққа айтсам,  
Қаршимизда йиглаб турар тош...



## ҚҮРГОНИ КЕЛДИМ

*Самарқанд, мен сени күргони келдим,  
Күчангда сайр этиб юргони келдим.  
Гүзаллик гаштини сургони келдим,  
Дүстлар билан сұхбат қургони келдим.*

*Юлдүзлар ердами ёки осмонда?  
Шоирлар күйлайди маджинг достонда,  
Юзинг тиниклиги таърифи нонда,  
Таъзим-ла қошингда турғони келдим.*

*Қаддингга қарасам күзим қамашар,  
Бу каби саýқални күрмаган башар,  
Мақтобинг эшиңган етгүнча шошар,  
Хүшбүй ғулларингдан терғони келдим.*

*Фарзандларине доно, нафаси тоза,  
Булбуллар олганми үндан андоza,  
Қачон келсам күтар очық дарвоза,  
Бер деса жонимни, берғони келдим.*

*Таомларинг таъми тилимда қолган,  
Мехринг иликлиги дилимда қолган,  
Қалбинг оловлиги құлимда қолган,  
«Мехрдод» ошидан үргони келдим.*

*Қизларинг күркига жоним тасаддуқ,  
Изладим қиёсін еру күкда иүқ,  
Киприги күксимга тегді мисли үқ,  
Бирин Қүқонжонга бурғони келдим.*

## САДОҚАТ

Баҳодиржонни у ёки бу анжуманда тез-тез кўриб туардим. Сўзлари ширин, мағзи тўқ, тош босадиган. Бирорта ҳам нокераги йўқ. Юриш туриши ибратли. Шундай одам билан рўбарў ўтириб сұхбатлашишни ким ҳам орзу қилмайди дейсиз.

Тун қора пардасини энди оламга ёзаётган пайт. Чумчуклар чирқиллаб уйига шошиларди. Кўчадан келдиму эшикдаги почта яшигига қўлимни узатдим. Газеталар ичидаги чиройли «Таклифнома»га ялт этиб кўзим тушди. Шошилиб ичига назар ташладим. «Шоир Чустийнинг юз йиллигига...». Зўр иш бўлибди-да, дедим ич-ичимдан суюниб.

Ўша кунги Чустнинг жамолини тўла таърифлашга тилим ожиз. Шаҳарга кириб келаётган одамнинг нигоҳи биринчи бўлиб «Хуш келибсиз шоир Чустийнинг тўйига» деган илиқ сўзларга тушади. Йўллар ойнакдек беғубор. Унинг икки ёнида кипприклардай терилган анвойи гулларнинг муаттар, ёқимли ҳидлари бутун оламни сархуш этган. Ҳар бир қадамда дуч келаётган ижодкорнинг байтлари юрагингга нур ҳаҳш этиб, маънавий оламингни янада бойитади. Тўп-тўп бўлиб турган одамларнинг тилларида унинг гўзал шеърлари-ю, ҳикматлари... Улар боф ичидан келаётган жонона қўшиқлар оҳангига оҳиста тебранишиб, оҳ-оҳ деб қўйишади. Бирорта бу байрамона руҳдан четда қолган одамни кўрмайсиз. Шоир ашъорларига ошиқ бўлган қўёш ҳам отининг жиловини маҳкам тортиб ашаддий томошабинга айланиб қолган.

Академик Азиз Пўлатович Қаюмов, Ҳусниддин Шарипов, Минҳожиддин Мирзо, Умида Абдуазимова, Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулла, Ҳабибулло Сайид Ғани, Энахон Сиддиқова, Зиёвуддин Мансур каби узоқ-яқиндан келган меҳмонлар енгил машиналарга ўтиришиб «Бибиона» зиёратгоҳига равона бўлдилар.

Одам ҳеч ерга сигмайди. Оёқ қўйгани жой йўқ. Мана сизга шоирга бўлган чексиз муҳаббат. Афсус ўzlари йўқ. Шу журматни тириклигига кўрганида эди... Истиқололга таъзим. Фарзандларининг тилида беадад олқишлиар, севинч ёшлари.

Зиёвуддин Мансур тадбирни очиб, биринчи сүзни Азиз Лўлатовичга берди. Нотиқ шоирнинг бекёёс ижоди, тенгсиз маҳорати, арузга қарши тош отилган пайтда ҳам ўз услубидан асло чекинмаган, сабр-қаноатли инсон бўлганлиги ҳақида тўлқинланиб гапириб, барча адабиёт шайдоларини лол қолдирди. Ўзлигимизнинг қадрини баланд кўтараётган мустақиллигимизга чексиз умрбоқийлик тилади.

Рангбаранг мавзулар, дилбар қўшиқларнинг оҳанрабоси дилкаш муҳлисларнинг қалбида абадий қоладиган кун бўлди.

Баҳодиржон Юсупов ўtkазилаётган тадбирни шундай таъсири ва файзли бўлишини жуда-жуда орзу қилган эди. «Орзу қилсанг етарсан муродга» дегани шу эмасми? Бу катта тўйга тайёргарлик кўриш осон бўлмади. Қайси нуқтада сусткашлик бўлса у ўзининг ҳаётий тажрибалари, пишиқ ва пухта ақлу идроги билан ўша ерда тезда ҳозиru нозир бўлди.

Баҳодиржон қўшиқларимни шайдоси экан. Тадбирнинг сўнгида менинг олдимга келди-да, истараси иссиқ, мийигида кулгуси ўзига ярашган шеригига қараб: – Муроджон ука, Назиржон акамга рухсат йўқ. Бугун дилкушо сухбатларини оламиз. Қўқон бир нафаслик йўл. Эртага ўзимиз кузатиб қўямиз. Мен меҳмонлар билан хайрлашиб сўнgra хонамда бўламан – деди. Бундай илтифотга йўқ деб бўладими?

\* \* \*

Бу йил янги раҳбарга синов йили бўлди. Етти йилдан буён туман паҳта планини тўлдирмай ҳалқининг тарвузи қўлтиғидан тушиб кетган эди. Оёққа тургизиш учун нима иш қилиш керак? Ҳамма мутахассисларни ёнига олиб тинмай дала кезди. Ернинг шароитини обдон ўрганди. Ширкат ва фермер хўжаликларининг бошлиқлари билан танишиб, уларнинг ҳал бўлмаётган муаммо, талаб истакларини аниқлади. Ўзи билан улар ўртасига ғов ташламади. Эркин фикрлашиб маданиятини йўлга қўйди. Кибру ҳаводан йироқ бўлди, дастурхонида бирга ўтириди. У доим терлаб юрди. Терламаган, оёғи чақнамаган дехқонни дехқон ҳисобламади. Маржон-маржон тўкилган терлар эртага олтину дурларга айланишини яхши билди. Кимнинг тўйига борса оғир машақват билан ризқ-рўз яратувчи дехқоннинг қадоқ қўлларини ихлос билан биринчи бўлиб ушлади. Яхши-


ёмон кунларида ёнида турди. Нопокликка қарши борди. Ернинг ризқини қиймасанг у ҳам сенга истаганингни беради деди. Ҳалқа шундай меҳрибон, тадбиркор, камтарин ва талабчан одам керак эди. Бу замонамиз талаби.

Баҳодиржон ўз-ўзидан шундай олижаноб фазилатли саркор бўлиб етишмади. Дарахтнинг илдизи тоза бўлса унинг япроги ҳам тиниқ ва гўзал бўлади, – дейди доно ҳалқимиз. Ҳа, унинг ота-оналари покиза, фақат билагининг кучи билан ҳаётини тебратувчи улуғ одамлар эди.

Баҳодиржон Юсупов онаси ҳақида фахрланиб шундай дейди: – Онам Қўғай мактабида фаррош эди. У ўзига тегишли ўқув хонасининг қайси партасида қайси бола ўтиришини яхши биларди. Кимнинг беш тийин тангаси тушиб қолса уни эртасига бу фалон исмли боланинг пули деб, директорга бериб кетарди. Ҳа, қуш уясида кўрганини қиласди. Ҳўжаликнинг ота-онаси назари тўқ, меҳнаткаш бўлса фарзандлари баҳтли, омадли бўлади.

Баҳодиржоннинг йил бўйи қилган ҳаракатлари зое кетмади. Чор тарафдан келган муборакбод ҳатлари унинг кучига янада куч кўшди.

Қаҳратон қиши. Баҳодиржон эрта тонгда туриб ташқарига чиқди. Пага-пага ёғаётган лайлак қорнинг чарх уришларига завқланиб боқди. – Бойлик, бойлик, – деди у қувониб. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг бу инъоми келгуси йилнинг бўлажак мўйл ҳосили эди.





Муаллиф Н. Назаров Чуст тумани ҳокими  
Б. Юсупов билан

## КИПРИКДАГИ ЁШ (Ёднома)

Аспирантурада ўқиб юрган кезларим зди. Қачон Ҳўқанди Латифга йўлим тушгудай бўлса, оёғим ерга тегиши биланоқ, беихтиёр менинг учун энг азиз бўлган меҳрибон кишининг муборак ҳузурига бурилиб кетардим.

Отахон Соатович мен билан қучоқ очиб кўришгач, қўлтигимдан маҳкам ушлаганича хоналари томон равона бўлди.

Ҳар сафар феруза осмондек топ-тоза, сода қилиб безатилган, қулфи-дилингни очувчи қабулхонага кирганимда, бош шифокорнинг нақ тўғрисига чиройли, зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган:

*Одами эрсанг демагил одами,  
Ониким иўқ ҳалқ гамидин гами..*

деган ҳикматли мисраларга кўзим тушади...

Хонага кирувдикки, телефон овози майнин жиринглай бошлади.

Отахон Соатович трубканни шошилиб қўйгач, ҳозир келаман, узр деганича ўқдай отилиб ташқарига чиқиб кетди. Менинг учқур хаёлларим- эса, тошга ёзилган сўзлар сингари ўчмас ёшлигимнинг қизиқарли зартаклари томон олис-олисларга қанот қоқди.

Яхши одамларнинг садағаси кетсанг арзиди. Улар туфайли юрт тинч, ҳаёт фаровон, ҳар қандай қийинчиликлар енгил кўчади.

Учкўпrik тумани ҳалқ таълими бўлимининг мудири Абдулла Шодиев ана шундай асл зотлардан экан. У 1955 йилда отаонамнинг розилиги билан ўзининг илиқ қучогидан жой беради ва 1956 йилда ўрта мактабни битирганимдан кейин шоири фузалолар шаҳри бўлган Ҳўқанди Латифга олиб келади.

Овозаси Мағрибу Машриққа ёйилган машхур, қадимий «Теракзор такя»даги Эргашали аканинг шинам чойхонаси. Боботоллару, полвон бақатеракларнинг сўлим ва қуюқ шохлари қатор, там-там сўриларда дам олиш гаштини суроётган тўп-тўп дилкаш улфатларнинг бошида соябон. Хуллас, мафтункор, ширин манзара. Шу танқис, ёқимли маскан

гувоҳлигида маънавий отам мени Отахон Соатовичнинг қўлига топширди.

Вафодор дўст, ўзининг бутун эътиборини бериб фарзандлари қаторида бошимни силайди, тиббиёт билим юртида ўқитади. Педагогика институтини битирганимдан кейин ўз ёнларига чақириб олади. Аспирантура ҳам унинг гамхўрлигида амалга ошади.

Хаёлимнинг тулпори энди қанотини борлигича ёзаётган пайтда:

- Сира иложи йўқ. Фарғонага бориш керак, бу қатый, бошқа гап сиғмайди, – деганича шошилиб Отахон Соатович кириб келди.

- Доктор, мен сизга айтдим-ку, еярмон-ичармон болаларим кўп, узоққа бориш... – деб ялинди беморнинг эгаси.

- Тушуниб турибман ука, ахир у кишининг соғлиги керак-ку сизга...

- Биламан. Нажот бўлмагандан кейин... Худо хайр берсин, болаларингизни орзусини кўринг, дунё тургунча туринг, шу ерда даволатиб беринг ака...

- Мана барча хужокатлари. Машинамиз олиб бориб қўяди. Буни олинг! Икки юз сўм. Ўз ёнимдан. Ҳафа бўлманг, хотинингизнинг касали оғир. Яшashi керак. Мени тўғри тушунинг...

Абдураҳмон ака сира иложи бўлмагач, чуқур бир хўрсиниб қўйди-да, қалтираган қўллари билан қоғозларни зўрга-зўрга ушлаб, оғир-оғир қадам ташлаганича хонани унсиз тарқ этди...

Мен ҳозирги кунгача бундай нохуш ҳолатга тушмаган эдим. Орага оғир жимлик тушди. Даҳшатли жимлик. Елкамни дунёдай бир юк қаттиқ эза бошлади. Қулогим гувуллади. Деразанинг ортида пақирлаб күяётган ёмғир яна авжига чиқди. Кипригим остидан эзилиб аста устозимга қарадим. Кўкрак чўнтағидан қандайдир тугма дори олиб тилининг остига ташлади. Шу пайт: «Мумкинми?», деган овоз эшитилди.

- Киринг, – деди доктор хоҳламайгина.

- Йўл варақасига қўл қўймаган экансиз.

Бу сўзни эшитган Отахон Соатович бирдан сергак тортди ва тезда қоғозни олиб столининг тортмасига ташлади-ю,

Абдураҳмон ака қаерда эканлигини шошилиб сўради: «Чақирайми» – деди ҳайдовчи. «Чақиринг!» кўзлари порлаб кетди... Менинг ҳам шалвираб қолган вужудимга қайтадан жон киргандай бўлди...

Доктор Абдураҳмон акага боши билан «ўтиринг» ишорасини қилди-да, тез-тез телефон номерларини териб, ўзига керакли шифокорни топди.

- Хурсаной Ортиқовани олиб қоламиз, гап тамом. Ўша мутахассисни Фарғонадан ўзим чақирираман. Қолаверса, ўзингиз ҳам ундан кам эмассиз-ку. Сиздан халқимизнинг умиди катта. Яқин кунларда ҳамма иш шу ерда бажарилади. Келишдикми, Шавкат Солиевич. Омон бўлинг, - деди чехраси очилиб.

- Шунақа Назиржон, бизнинг ишимиз осон иш эмас... Барibir инсоннинг қадрига етиш керак, - деб гапини титроқ овозда давом эттирди. – Устидаги тўнига кўзингиз тушдими? Елкасининг пахтаси чиқиб ётиби. Дўпписи ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади... Фарғонага борасиз дейишга дедиму... Arap борганида, норасида болалари...

Үёғига Отахон Соатовичнинг гапиришга юраги дош бермади. Томогига нимадир тиқилиб киприклари гилт-гилт ёшга тўлди... Унга дардкаш бўлган нигоҳим, кўзи олдидан ўтаётган ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу гўзал ўгитларини ич-ичидан севиниб, қайта-қайта ўқий бошлади:

*Бу гулшан иҷраки, йўқтүр баҳо гулига сабот,  
Ажаб соодат эрур чиқса яхшилик бирла от.*

Ёмғир ҳам пақъос тинди. Бир зум ўтмай бутун олам чарақлаб кетди.



## АММАМНИНГ ПАТИРИ

Аммам қишлоқда яшайди. Агар ўн беш кунда бир марта кўрмасак дадамга «қачон олиб борасиз», деявериб қулоқларини батангга келтириб юборамиз. Аммам шунақа соғинишга арзийдиган оқила аёл.

Уларига борсак, эҳ-хе, ўтиргизгани жой тополмай қолади. Невараси Гайрат оёғини қўлига олиб, кўк тергани далага чопади. Поччамиз ҳам бир дунё. Тезда қизлариникига югуради. Қизлари ҳам узоқда эмас, ўзларининг маҳаллаларида истиқомат қилишади. Қарабисизки, бирпасда тўй бўлиб кетади. Моҳира қозонга қарайди. Севара тандирга ўт қалайди. Аммам сурпанинг устида қўли-қўлига тегмайди. Бир пиёла чой ичгунча ҳамма нарса тап-тайёр.

Аммамнинг меҳнаткашлiği ҳамқишлоқларини қойил қолдиради. Қўй, эчки, сигир, бузоқ, товугу ғоз. Эшигининг тагидан ўтган катта ариқдаги сон-саноқсиз ўрдакларни айтмайсизми. Аммам уларни худди ёш болалардай эркалатиб, парвариш қиласади. Уларнинг уйида етишмовчилик деган муаммо йўқ. Мехмон келса остона ҳатлаб кўчага чиқмайди. Гўштми? Битта жонлиқ ағдаришнинг ўзи кифоя. Мева-чева истаганча бор. Сут-қатиқ, қаймоқ, сариёғу тухум ўша заҳотиёқ дастурхонда муҳайё.

Аммам гўзаллик шайдоси. Эшигидан киришингиз билан ховли ялт этиб, ширин табассум ила қучогини очади. Ҳаммаёқ ойнадек топ-тоза. Ёғ тушса ялагудай. Ҳавасинг келади. Күш уясида кўрганини қиласди, деганлари шу бўлса керак-да.

Қачон бувимникига борсак, кўзинг қораяди деб маҳалла қизларининг қошига ўсма қўйиб ўтирадилар. Бувим ростгўй, ширинсўз, жуда ҳурматли аёл бўлганлар. Уруш даврида одамларга қилган яхшиликлари ҳақида неча-нечча кишилардан илиқ гаплар эшитиб, роса яйраб фахрланамиз.

Кунларнинг бирда қишлоғимизнинг шундай кираверишида Кўшоқбой амакига дуч келиб қолдик. Дадам шоша-пиша машинадан тушди-да, у кишининг қучогига отилди. Амаки бизни уларига таклиф этди. Дадам бирров уйга кириб отамни зиёрат қиласайлик, кейин, десалар ҳам қўймади. Наилож...

Тўқсонни уриб қўйган, лекин ҳали тетик. Қўли асо нималигини билмаган Қўшоқбой амаки бир чўким ошдан кейин қўйидаги ҳикояни сўзлаб берди. «Уруш. Очарчилик авжида. Бутун нонни қўйинг, унинг увоги ҳам анқонинг уруғи эди. Қишикличини қайраган. Бугунги кўринган одам эртага йўқ. Шундай ҳолатда бирорвга яхшилик қилиш... Ҳозир ўйласам, ота-онангиз бутунлай бошқача одамлар бўлган экан.

Қумрихон опам ҳар ҳафта икки марта қишлоқдаги бечора, ёлғиз одамларни чақириб, бир қозон сутли ёрма қилиб берардилар. Ола сигирлари бор эди. Кўпчиликнинг жонини аввало Ҳудо, қолаверса, ўша жонивор ҳам сақлаб қолган. Икки етим қизнинг бошини силаб, оғир дамларда турмушга чиқариш ўз-ўзидан бўладими? Бунинг учун жуда катта қалб, бутун иймон керак. Вой-буй, улар ҳақида қанча гапирмай кўнглим сира тўлмайди. Юқоридаги гаплар денгиздан бир томчи холос. Синглингиз Орзихон ҳамма жиҳатдан Қумрихон опамга ўхшайди», деб аммамга узоқ умр, тани-сиҳатлик тилади.

Ҳа, аммам амаки айтганларидек, бувимнинг роса ўзгинаси. Одамийликда теғти йўқ. Ҳар сафар уйга қайтаётганимизда бир тандир ёғли патир ёпиб беришади. Уйга бориб талашишни кўринг. Бир бурдадан еб, ўн беш кунга етказамиз. Ҳар куни нонуштадан кейин «амманинг патири бор бўлсин», деб дуо қиласмиз.

Мана, эртага аммамни Наврўз билан қутлагани борамиз. Аммам ҳам бизни кутаётгандир. Эҳ, маза...



## ИЛОХИЙ НАФАС

### (Ёднома)

Тонг эндиғина оқаришиб келаётган палла. Радио қулогини бурайман. Сухандоннинг «ҳозир Таваккал Қодиров куйлайди» деган майин ва ёқимли овози эшилди. «Эҳ маза, кеча телевизорда ижро этган Янги қўшигини бериб қолсайди-я», – дедим ичимда суюниб. Кўнглимдагидек бўлди:

*Фасли наўбаҳор ўлди, кетибон зимиstonлар,  
Дўстлар ганиматdir, сайир этинг гулиstonлар.  
Субҳидам тушиб шабнам, бўлди сабзалар ҳуррам,  
Гул уза томиб кам-кам ёгди абри найсонлар.*

Бу асарнинг куйи билан сўзи ҳақида нима десам экан? Нима ҳам дея олардим. Ҳеч нарса дея олмасликнинг ўзи катта баҳо эмасми?..

Шу кундан бошлаб Таваккал Қодирозни кўриш, у кишининг ширин-ширин қўшиқлари-ю, мазмунга бой сұхбатларидан баҳраманд бўлиш иштиёқи билан тўлиб яшадим.

Орадан кўп ўтмай хонадонимизга фарғоналик энг яқин дўстим Тургунжон кириб келди ва бир пиёла чойдан кейин жиянининг суннат тўйига таклиф этди. Сўзининг охирига «Таваккал Қодиров ҳам бўлади», деб қўшиб қўйди. Мана сизга баҳтнинг кулиб боқиши...

Шанба куни Фарғонага отландик. Баҳор боғларнинг кўркини очган. Жозибали манзаралар ҳушимизни ўғирлаб тўйхонага келиб қолганимизни ҳам сезмабмиз. Ичкарида куйланаётган ҳофизнинг «Бизни ташлаб қайга кетдинг» қўшиғи роса авж пардасига етган экан.

Тургунжон гўзал Фарғонанинг йигитмисан йигитларидан. Бизни кўриши биланоқ унинг нурли чеҳраси янада ёришиб кетди.

- Қани ичкарига марҳамат, - дейишди мезбонлар қўлларини кўксиларига қўйишиб.

- Ҳозир қўшиқ ниҳоясига етсин, - дедик уларга.

Менинг ёнимда турган, оқ-сариқдан келган, истараси иссик бир киши бизнинг мақсадимизни тушунди шекилли секингина: - одобларингизга балли, - деб қўйди. Ҳофиз «Самарқанд ушшоги»ни якунлаб, навбатни шогирди Исройлжон Усмоновга берди. Биз ичкарига юзландик. Ҳали бир-икки қадам қўйишига улгурмасимизданоқ, ўрта бўйли, кулгуси ўзига ярашган Таваккал ака ичкаридан шошилиб чиқиб келди ва минг йиллик қадрдонлардек қучоқ очиб кўришиб, бизни алоҳида тайёрланган шинам жойга таклиф этди. Ҳофиз билан бир сўрида ўтириш чиндан ҳам биз учун катта шараф эди.

Бу файзли базм тонгни ёруғ юзини кўриб ниҳоясига етди. Шинавандаларнинг тилида қанчадан-қанча гўзал қўшиқларнинг йўқолмас таъми қолди. Менда-чи? Таваккал Қодиров ҳақида дунё-дунё тасаввур.

Келаётган пайтимда, устоз қандай инсон экан, деган қатор саволлар хаёлимдан ўтган эди. Биринчи учрашуваёқ бунга жавоб топдим. Ҳофизда соддалигу камтарлик, юксак муомала санъати, ёшларга ҳурмат, уммондай қалб, чукур ҳаётй илм, кенг қамровли дунёқараш, устозларгэ хос нигоҳ ўзининг чинакам ифодасини топган экан.

Мен шу кеча Таваккал аканинг йигирмадан ортиқ «Дугоҳ Ҳусайн», «Эзурсан», «Кўрсатмагай», «Феруз», «Найларам», «Гўзалим кел», «Догман», «Ишқ ноласи», «Сўзи ширин ёримдан», «Шаҳлоси бор», «Шунчамиди», «Кечা ойдин», каби ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак ранг-баранг ашулаларни эшлишга мұяссар бўлдим.

У шундай қуйладики, осмон гумбази навога тўлди. Ой-юлдузлар ётогига кетолмай маҳлиё бўлиб қолди. Салобатли, мафтункор дарахтлар баҳмал гулларидан унинг поёндоz тўшади. Шаббода реза-реза терларини елпиди. Атиргуллар тебраниб хушбўйларини давра узра таратди. Томошабинлар эса ҳофиз овозининг бетакрорлигига тасаннолар ўқиб, ҳайрат бармогини тишлаб ўтирдилар.

Ҳа, табиату инсонни ҳёратга соглан бу нафас оддий нафас эмас, илоҳий нафас эди.

Ҳазрат Алишер Навоий «Саббъаи сайёр» асарининг хотима қисмида «Ё раб: бугун ниманини менинг қаламим қоғозга

туширган бўлса, рўзи азалда буни тақдир қалами ёзмис эди...  
Сен нимани ёзган бўлсанг, мен ҳам шуни ёздим», дейдилар.

Таваккал ака ҳам яратганинг ўзи инъом этган муқаддас нафасга заррача губор юқтирмай халққа ҳавола этди. Шу боисдан ҳам у зл назарига тушди ва мустақил, озод, эркин Ватанимизнинг эътиборли, улуғ фарзандига айланиб қолди.

Тўйнинг файзидан Турғунжоннинг боши осмонга етди. Таваккал ака бизни қўярда-қўймай ўз хонадонига олиб келиб бир пиёла чой қўйди. Сўнгра қўлини дуога очиб, «Оқ йўл!» тилади. Йўлга тушдик. Ҳайдовчи радионинг қулогини буради. Мўъжиза. «Ўхшайдику» қўшиғи жаранглаб турарди.



## ТОНГНИ ҮЙФОТГАН ЙИГИТ (Очкерк)

РАФИҚЖОН АКАНИ «ернинг боласи» дейишади. Бу бежиз эмас. Уни излаган одам албатта даладан топади. Қабулхонаси ҳам ўша ерда...

Меҳнатга ошиқ, она юртига фидой, халқ хизматига жонини тиккан оташқалб инсон ҳар доим тонгни үйфотади, тунни эса киприкларини уйқуга илинтириб, келгуси куннинг режалари билан тўлиб-тошиб остонасига қайтади. Рафиқжон ака ўз-ўзидан шу қадар ибратли, қўлга қалам олишга арзигулик бўлиб етишган эмас. У қўёшнинг оташ нурларини обдон шимириб вояга етган хайр-саҳоватли, меҳнаткаш Қурбонали аканинг ўғли.

Қурбонали ака Рафиқжонга алоҳида меҳрини берди, тарбиялади. Дадаси қачон жанатмисол чорбоги томон йўл олар экан, Рафиқжон ҳам тахтачадан ясалган кетмончасини елкасига ташлаб, унинг ортидан зргашарди. Тухумсимон уяларга ипакдай қўллари билан уруғлар ташлаб дўмбоққина оёқлари билан оҳиста беркитар ва турли-туман кўчаларга лола гули пақирчасидан оби-ҳаёт оқизиб, уларга жон бағишларди. Бекасам тўн кийган хандалаклару шарбатга тўла олтин ранг мевалар кўзни ял-ял қамаштирганда, ўзига яраша ҳиссаси борлигидан қувониб, оғзи қулоғига етарди. Рафиқжон касб танлашда узоқ ўйлаб ўтиrmади. Боиси, ерга меҳри баланд зди.

... Дўппини бир айлантиргунча талабалик йиллари ҳам ўтиб кетди. Қанчадан-қанча чеккан оғир машаққатлару тўккан кўз нурлари эвазига эришилган диплом мана унинг қўлида. Энди игна билан кудук қазиб, эгаллаган севимли касбида ўзини кўрсатиш керак. Эҳе, бу осон кечмади.

Кутуриб, еру осмонни ларзага солаётган Қўқон шамоли, эндини дунё юзини кўриб, нозик томирларини замин бағрига узатаётган, маржондай тизилган ниҳолларни барбод қилди. Ям-яшил либосга ўралаётган далалар кўз очиб юмгунча ялангоч бўлиб қолди.

Қайта экиш, кейин эса ёмғирлар, қатқалоқ... Кечагина умидингга умид кўшаётган гўзалар бугун заъфароний кўйлак кийса, юрагинг эзилиб кетади, тишингни қаттиқ-қаттиқ

ғижирлатасан, кулогинг шанғиллаб күз олдинг қоронғилашиб кетади.

Рафиқжон ака кутилмаган бу табиий оғатлардан бироз довдираб қолди, тұғрироғи, шимининг ўңг чұнтағидан сийдам рүмөлчисини бўшашибгина олдида, атрофига бир-икки хуркаклик билан назар ташлаб, чанг босган намли киприклариға оғир-оғир босиб қўйди...

... «Қараган қараб қолмайди», деганлари рост экан. Ўша йили «Комсомол» совхозида етиширилган бекиёс пахта ҳосили терим машинасини ҳам шошириб қўйди.

Үндаги дадиллик, илмининг чуқурлиги, ишбилармонлик туманбоши ва унинг атроффаги барча катта-кичик мутахассисларнинг диққат-эътиборини ўзига қаратди. Кўп ўтмай «Сирдарё» давлат хўжалигига раҳбарликка номзоди кўрсатилди.

Ишни нимадан бошлаш керак? Бу синовчан саволга устозлари Деҳқонбой Хўжамбердиев, Алижон Пайғамов, Абдуқаҳор Ниёзов, Содиқжон Азизовлардан олган қимматли тажриба ва пухта маслаҳатлари ишончли жавоб қайтэрди.

У эринмай одамларнинг сирли руҳиятини ўрганди. Шомуродбува Холматов, Үринбой Пирматов каби кўпни кўрган, мураккаб ҳаёт қозонида қайнаган ўнлаб доно деҳқонлар билан тонгни тунга улаб сұхбатлашди. Гектарлар оралаб пиёда кезди, ер билан тиллашди, дардига худди моҳир шифокорлардай қулоқ тутди. Ҳеч қанча вақт ўтмай қўли қадоқ, бағри сахий даласидай кенг меҳнаткашларнинг беғубор кўнгилларидан жой олиши, назарига тушиши унинг ўз ишига бўлган чексиз муҳаббатини янада товлантириб юборди. Ариқларни кўздан кечириб, уларга сро берди, сувлар эркаланиб оқа бошлади. Қадди долга айланган боғлар, ўзини танимай қолди. Чагали, Қорақалпоқ, Таптиқ Сарой, Қўргонча, Ялтир, Оқжар, Капасарой, Жургун, Бойдовул, Шукурхўжа, Доимобод, Катта Турк қишлоқларининг йўлларига кўзгумисол асфальт ётқизилди. Туманда биринчи бўлиб марказлашган сув ҳавзаси бунёд этилди. Машина ва тракторларни тамирлаш устахонаси, ғишт, консерва заводи, захларни қочирувчи Абдусамад, Шўркўл насослари мунтазам равишда хизмат қила бошлади.

Ширкат идораси ва уни ўз оғушига олган «Истиқбол» номли Янги қишлоқ тез кунда қад күтарди. Уй-жой муаммосини билан қийналиб яшаётган 60 хўжаликнинг бошига бахт қуши қўнди.

Пахтачи? Пиллачи? Уларнинг пешонаси ҳар йили юздан чикмади. Ҳаракатчан, омадли раҳбари борлигидан кўкраги тогдай кўтарилган нуроний отахонлару, мунис онахонлар юрак-юракларидан дуога кўл очдилар.

Райком Рафиқжон акани анча ўтириб қолган хўжаликка юборишни лозим топди. У «иссиқ ўрнимни совутмай»... деб туман раҳбарларига айтмоқчи ҳам бўлди. Лекин Охунбобоев номли ширкатлар ўюшмасида ҳам кимдир ишлаши, дардига қулоқ солиши керак-ку! Рафиқжон ака Янги жойга ўтиши биланоқ у ердаги оқсоқ соҳаларни ипидан-игнасигача таҳлил қилиб, ҳар бир тармоққа ишнинг кўзини биладиган, омилкор кишиларни топиб кўйиб ва одатдагидай тезда ишга киришиб, Ғумойлидан ўюшма марказига қадар газ трубаси тортқизиб келди. Чек, Оқмачит, Чодаклик, Олтиқуш, Чинобод қишлоқларини « зангори олов» билан таъминлаш ишларини қизғин бошлаб юборди. Қияли, Қақир аҳолиси Янги мактаб қурилишини эшитиб бошлари осмонга етди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, 500 кишини иш билан таъминлай оладиган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи «Бузрук», «Шарқ юлдузи» фирмаларини ташкил қилди.

Рафиқжон Қурбонов қаерда ишламасин, фақат тинмай изланади, ўзидан бир эсдалик қолдириш учун янгилик кашф этади. «Сирдарё» жамоа хўжалигига фаолият кўрсатган пайтларида «Ҳар бир қишлоқнинг ўз боғи бўлсин» деган келажакни кўзловчи шиорни ўртага ташлаб, уни амалга оширган эди. Бу ерда шу мустаҳкам аҳдидан қайтмади. Уруш ва меҳнат фронтида жонбозлик кўрсатган қарияларимизнинг дам олишларини таъминловчи «Фахрийлар боғи»нинг барпо этилиши таҳсинга сазовор бўлди.

Рафиқжон Қурбонов қирқ йилга яқиндирки, сон-саноқсиз ёшларга дехқончилик сирларини ва муомала маданиятини сидқидилдан ўргатиб келмоқда. Турли хил лавозимларни халқчил услубда бажараётган Олимжон Юсупов, Қаюмжон Ҳошимов, Анваржон Мирсадиков каби шогирдларининг

мақтовга арзирли муваффақиятидан устознинг шодлиги оламга сигмайди. Улар ақл-заковатли, маслаҳатгўй, дунёқараши кенг мураббийсини ҳар доим ҳавас билан тилга оладилар. Бош мироб Маҳмуджон Худойқуловнинг ушбу дил сўзлари бунга мисолдир:

- Рафиқон ака идорапараст раҳбар эмас. У ҳосилот билан ернинг, мироб билан сув, ферма мудири билан чорванинг бошида гаплашади. Билмаган нарсасига ҳеч қачон от солдирмайди. Яъни, шерга тариқ, беданага суяк ташламайди.

Деҳқон Рафиқон аканинг баҳти, умрининг безаги, тандаги жони. Уларнинг орзу ва ташвишларисиз бирор лаҳза ҳам яшай олмайди. Ҳалқпарвар ва ғамхўр юртбошимиз Ислом Каримов аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақида биринчи бор сўз юритган куниёқ зудлик билан Кенгашни чақириб, ёрдамга муҳтож кишиларнинг рўйхатини олдиради ва биринчилардан бўлиб ана шундай толиқкан хонадонларга ширин табассум улашишда шахсан ўзи намуна кўрсатади.

- Бошлиққа ёлчилик, - дейди шодлик оҳангидага сўзларини давом эттириб бир гурух кўп болали ота-оналар, - Рафиқон укамиз жуда содда, меҳрибон, ўз соҳасининг бетакрор устаси. Кибру ҳаво унинг учун бегона. Тўғрилик ва меҳнатсеварлик доимий йўлдоши. Яхши-ёмон кунимизда энг яқин суюнчиқ, имони бутун одам. Орамизда заррача тўсиқ йўқ. Бирингни икки қилишни ўйлайдиган, замон талабига мос, сурати-ю сийрати бир-бирига муносиб камтар ишбоши билан ишлаш биз учун катта баҳт. Юртдошлари, давримиз гоялари билан ҳамнафас, ўта ишchan ва севимли ўглонини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ноиб этиб сайлади. Рафиқон Қурбонов мазкур ишончни оқлаш йўлида бор кучини, истеъдодини ишга солиб, сессия қарорларини амалиётга кўчириш мақсадида ҳормайтломай меҳнат қилди.

Ҳа, Рафиқон Қурбонов ҳақида ҳар қанча гапирсанг ҳам оз. У маънавий жиҳатдан етук, серқира инсон. Қўшиқ ва шеърият унинг жони-ю дили. Дам олган чоғларида севимли Эркин Вохидов, Абдулла Орипов, Йўлдош Сулаймон, Комил Жўра, Ҳабибулло Саййид Гани, Анвар Юнус шеърларини ўқиб

завқ олади. Халқ йўлидаги миллий қўшиқларни тинглаб кучига-  
куч қўшади.

Тумандаги шоир, ёзувчи, улуг алломаларимизнинг таваллуд  
топган кунлари, фахрийларимизни рағбатлантиришга  
бағишлиланган анжуманлар, сайру саёҳатлар унинг иштирокисиз  
ўтмайди. Яқинда ўтказилган Ўзбекистон халқ ҳофизи Эркақори  
Каримовнинг 115 йиллик тўйига ҳам у бош-қош бўлди. Хуллас,  
унинг бекорчи вақти йўқ. У доимо янги-янги, бир-биридан  
юксак орзулар оғушида ёниб яшайди.

... Субҳидам. Тонг яна Рафиқжон акадан кейин  
уйғонганингидан хижолатда. Қўшиқ «ер боласи»нинг бебаҳо  
орзу-ўйларини майин бир оҳангга йўғириб, машинанинг  
гуритлаган овозига жўр бўлган ҳолда узок-узоқларга қанот  
қоқмоқда.

*Гулларга шайдо, эй Тонги сабо,  
Қанотларинг тут, қўнсин куйларим.  
Дилим англасин, ул нури сиймо,  
Куйга йўғирилган орзу-ўйларим.*



## НАДОМАТ (Воқеий ҳикоя)

Обиджон ака катта ўғлени уйлади-ю, тинчи бузилди. Бунга сабаб, Хосият опа бўлди.

Хосият опа ўғли армиядалигига иложи бўлса ҳар куни хат ёзиб: «Ўғлим, илоё умринг узоқ бўлсин, яхши хизмат қилгин, бизни уялтирма. Даданг билан менинг сендан умидимиз катта. Ўзингга муносиб қаллик ҳам топиб қўйганмиз. Бирам ажойиб, бирам ажойиб қиз бўлганки, ҳозиргача бунақасини онаси туқкан эмас. «Ой деганда юзи бор, кун деганда кўзи бор». Шундай чиройли қизни олиб бериб, юрагимдаги орзуларимни бир ушатай», деб кечак-ю, кундуз яхши ният қиласарди.

Ўғлининг келишига бир ой қолди, деганда, у қуш уйқу бўлиб қолди. Эшик тиқ этса кўчага қарапди. Қўшнисининг эшиги олдига бирорта машина келиб тўхтаганда, ҳовлиқиб чиқиб келган кунлари жуда кўп бўлган. Мана шундай меҳрибон она бугун ўғлени ҳам, келинини ҳам ёқтирамайди. «Кўргани кўзи йўқ»...

Обиджон ака бу аҳволни бирорга айтиб, кўнглини ёзай деса, ҳар кимга ҳам айтадиган гап эмас. Ичига ютишдан бошқа чора йўқ.

«Ҳой, хотин, ақлингни едингми, улар ҳали ёш, нимани кўрибди. Ўғлинг ёмон бола бўлмаган бўлса. Яхшигина, олий маълумотли шифокор. Айримларга ўхшаган безори бўлиб, «устингдан тегирмон тоши юргизаман», деб турса қўлингдан нима ҳам келар эди. Ахир келининг нон ёлишини, сигир соғишини, овқат лиширишни билмаса яхши гапириб ўзинг ўргат. Ўзинг ҳам аввал жуда мақтагудай эмасдинг-ку? Мана қўшнимиз Кўпайсин холанинг келинини қара! Янги келганда худди шунака эди. Бугун эса таърифи оламга сигмайди, маҳалла ҳавас қиласди. Ҳамма ҳам онасининг қорнидан ўрганиб тушавермайди-ку!» деса «сиз ҳеч нарсани билмайсиз», деб зарда қилиб, тумтайгани тумтайган.

Обиджон акага жуда қийин бўлди. Бечора қайси бармоғини тишласин. Хосият опа билан салкам ўттиз йилдан буён ҳаёт кечириб, сира сен-менга борган эмас. Буниси бўлса пушти камаридан пайдо бўлган фарзанди...

Бугунги хархаша эса анчадан бери маддалаб бораётган чипқоннинг ёрилиб кетишига сабабчи бўлди.

- Шунақаям нўноқ қиз бўласизми. Наҳотки кир ювишни ҳам билмасангиз. Аянгиз ўргатмаган экан-да! Арзанда қиз бўлиб юраверган экансиз-да! Аттанг! – Хосият опа гап билан узиб-узиб ола бошлади.

- Қўй, эрта биланда ўзингни ҳам буларни ҳам таъбини хира қилиб нима қиласан! Ҳафтада бир марта дам оладиган кун бўлса...

- Сизнинг ишингиз бўлмасин. Қиз бола деган саранжом-саришта бўлиши керак. Бу кишининг уйига кирган одам ўзини топа олмай қолади. Ҳу-у куни, акамнинг хотини Буайша келган эди, номусларга ўлай-ўлай дедим. Қани энди ер ёрилса-ю кириб кетсан.

- Жуда ошириб юборасанда, жа сен айтганчалик эмасдир.

- Сиз доим бу кишини тарафини олганингиз олган.

- Уялтирмаймиз аяжон, айтганингизни қиласиз, - деди Азизжон билан Зулфия эркаланиб.

- Аяжон дема, сен менинг умидимни пучга чиқардинг, шарманда қилдинг! Шарманда!

- Нега бундай дейсиз, аяжон? Бир оғиз гапингизни қайтармаса, айтгандарингизни ҳаммасини ўрганиб олган бўлса, яна нима қилсин. Мен бўлсан қаригандарингизда роҳатимизни кўринглар, дейман.

- Агар сен шуларни чиндан ҳам ўйлаганингда эди, менинг чизган чизигимдан чиқмаган бўлардинг. Яшшамагур!

Азизжон энди ўзини тутиб тура олмади. У онасига қандай қилиб: - «Ҳали ҳам ўша мен айтган қизни оласан» демоқчимисиз!, - деб бақириб юборганини билмай қолди.

- Ҳа! Ҳа! Ҳа! Сен гапимга кирмадинг. Ҳолангни олдида ер билан яксон қилдинг. Билиб қўй, Зулфияни ўнта боласи бўлгандаям сенга барибир хотин қилдирмайман! Ҳозир жавобини берасан! – деб туриб олди.

Азизжон армиядан эсон-омон келгандан кейин онасининг уйланиш ҳақидаги фикрига унчалик рўйхушлик бермади. У Андижон медицина институтига ўқишига кетди. Ўзи билан бир турухда ўқиётган синашта Зулфияга кўнгил қўйди. Бу Хосият

опанинг юрагидаги ниятларини чипгакка чиқарди... Лекин нима қылсун, күзининг оқу қораси шу фарзанди-да, рози бўлмасликнинг иложи қанча. Катта тўю томоша қилиб, элга дастурхон ёзиб Зулфияни келин қилиб олиб келди. Обиджон ака келинининг худди узукка ярашган кўздай ўғлига мос тушганлигидан боши осмонга етди. Тўйдан кейин ҳамма қариндош-уруглар юз очдига келдилар. Рисолат опа-чи?.. Унинг ақлсизлиги Хосият опанинг эски ярасини қўзгатиб юборди. Янги машмашаларнинг бошланиб кетишига сабаб бўлди.

- Бўлди! Бўлди! Шундан бошқа гап йўқми сенга! Иккаласи аҳил бўлса, сен билан мени ҳурмат қилса, бир хилги келинлардай бетингдан олмаса, қудаларимизнинг сира баҳоси йўқ. Яна сенга нима керак? Ҳа майли, унга уйладинг ҳам дейлик. Эртадан кейин болангга ёқмай, қўйиб юборса арзидодингни қайси қозига бориб айтасан. Ўзингдан ўтар гап йўқ. Ху Ботиржон билан Ҳалимани қара, мажбурлик остида турмуш қуришди, охири вой бўлди. Буниси ҳам майли-я, қариндош-уруглар юз кўрмас бўлиб кетишиди. Сен, албатта, шундай бўлишини хоҳламайсан-ку! Ўткинчи араз учун ўзингни шунчалар қийнайсанми? Унинг ҳам балки ўзи ёқтирган йигити бордир. Сен айтган замонлар ўтиб кетди, - деди Обиджон ака хотинига.

Лекин Хосият опа ўзининг билганидан қолмади. Шундай бўлса ҳам Обиджон ака яна бир неча бор инсофга чақириб кўрди. Азизжон билан Зулфия онасининг кўнглини топиш учун кўлидан келган ҳамма нарсани бажарди. Барибир ўтиrsa ўпок, турса сўпоқ деб, қилдан қийиқ чиқариб, уларнинг ширин турмушини бузишга ҳаракат қиласерди. Байрам баҳонасида келтирган совгаларини бурнидан чиқарди. Ўша топда Обиджон ака босди-босди қилмаганда бутун маҳаллани бошига кўтариши ҳеч гап эмас эди.

«Гапни гапир ўққанга...» деганлари рост экан. Ҳатто эл-юртнинг обрўли кишилари, тегишли ташкилотлар аралашганда ҳам «Ўғлим хотинини қўйса қўйди, қўймаса бундай ўғлим йўқ» деб икки оёғини бир этика тиқиб олди...

Зулфия ўша кунги кўнгилсиз воқеадан кейин ўзини қаерга қўйишини билмай қолди. Бутун дунё кўзига зим-зиё бўлиб

кетди. Азизжондан яшириб аччиқ-аччиқ йиғлаб олди. «Қанча-қанча қизлар ўзини ёқиб юборди, дарёга ташлади, машина ёки поезднинг остига отди...» – васвас хаёллар... Сесканиб кетди Зулфия. Йўқ! Йўқ! Уларни ёқлаб бўлмайди. Улар ҳаётнинг арзимаган қийинчилликларига чидай олмаганлар. Отаналарининг бир умр азоб ичиди, фарзанд доғида зэилиб яшашларини чуқур ҳис қилмаганлар, фарзандларини-чи?! Уларнинг олдида гуноҳкор бўлишларини-чи? Йўқ! Йўқ! Уларни ёқлаб бўлмайди. Улар ақлсизлик қилдилар. Уларнинг йўллари хатарли...

Инсон ҳаётга бир марта келади. Бекорга ўқидимми? Олган билимимни беморлар дардига малҳам қила олмасам, одам бўлиб қаерга бордим. Бир оғиз ёмон сўзни деб... Йўқ! Йўқ! Азизжон менинг бахтим... Эрдан чиқиб эрга тегишнинг бети курсин! Хосият онамлар ҳам шундайлигича ўтиб кетмас. Бу кора кунларнинг бир кун ёруғлиги ҳам бордир... Дадам бечора... Эҳ, бизни деб икки ўт орасида қолди... яхшиям шу дадамлар бор экан.

Хосият опачинг нияти бутунлай бошқа. Нимә қилса-ю Зулфиядан қутулса. Унинг кеча-ю кундуз ўйлаган ўйи, куйлаган «куйи» мана шу.

Кунларнинг бирида Обиджон ака тунги сменадан қайтиб дарвозасига яқинлашганда ичкаридан шовқин овози эшитилиб қолди:

- Хотинингни қўясан бошқа гап йўқ!

- Мени мунча қийнайсиз?! Аяжон!

- Мен ҳеч нарсани билмайман! Мен ҳаёт эканман, сен у билан турмуш курмайсан. Ё мени ёки уни дейсан, гап тамом!

- Ая!

Обиджон ака «Оббо лаънатией, ўз билганидан қолмади-я» деганича эшик олдида серрайиб турарди.

- Қўймайсанми?!

- Ая! – яна илтижо қилди Азизжон.

- Қўймайман дегин?! Ундаи ифлосга менинг уйимда жой йўқ!

- Ҳакорат қилманг!

Хосият опа борган сари қутуриб, жазаваси тутиб борарди. Үнга фақат ўғли хотинидан ажралса, ўзи күз тагига олиб юрган кизни келин қилиб тушириб келса бўлди. «Ниятга етиш учун ёлғонларни тўқиб ташласа зиён қилмайди, - ўйлади Хосият опа рўппарасида турган эрига парво қилмай, - шу Зулфиядан кутилиб олсан, кейин ўглимдан ҳам, дадасидан ҳам кечирим сўрайман. Яна боягидай бўлиб кетамиз». Даҳшатли тұхмат оғзидан чиқиб кетди.

- Сен сұтаксан! Латтасан! У даданг билан!..

- Нима?!

Азизжоннинг кўзлари чақнаб кетди... Тили калимага келмай қолди.

Обиджон аканинг қулоги тиниб қўл-оёғи мажолсизланди, кўз олдини қоронгулик боса бошлади. Агар бутун кучини йигиб ўзини қўлга олмагандан борми-ди, остонаядан бир қадам ҳам нарига ўта олмай қоларди.

Хосият опа Обиджон аканинг қалтироқ ичида турганини кўриб баттар ловуллаб кетди. Қанча ёмон гапи бўлса ҳаммасини юзсизлик билан тўкиб ташлади.

Обиджон ака «уҳ» деди-да бошини қўли орасига олганча ерга ўтириб қолди. Аъзойи баданидан совуқ тер чиқиб, тирногиннинг учигача зириллаб кетди. Хосият опа билан бирга ўтказган кунларига ачинди... у ичида ўзи билан дардлаша бошлади: «Нима қилсам экан, бошимни олиб чиқиб кетайми. Маҳалла-кўй нима дейди. Болаларимнинг кўпи ёш. Уларнинг тарбияси нима бўлади. Тирик етим деган иснодга қандай чидайди. Менчи? Бу – мард одамнинг иши эмас... бургага ачиқ қилиб, кўрпани кўйдириш керакми? Йўқ! Хосиятдан воз кечсам кечаманки, лекин мана бу икки ёшнинг ҳаётини барбод бўлишига йўл қўёлмайман», - деб қатыйи қарорга келди-да, аста қаддини кўтарди ва оғир нигоҳи билан атрофга совуқ назар ташлади. Ҳаммаёқ жимжит. Уйдаги барча нарсалар ғамли тусда үнга тикилиб боқар, рўппарасидаги бурчакда даҳшатдан дир-дир қалтираётган икки яшар ўғлини бағрига маҳкам босганича «дада, сизда айб йўқ» дегандай Азизжон мўлтираб ўтирас. Ундан сал нарида Зулфия тинимсиз оқаётган дардли кўз ўшларига пишилиб энтикиб, энтикиб йиғларди.

Обиджон аканинг ғазаби қайнаб кетди... Йўқ... Яна ўзини босди... Агар шу топда шайтоннинг гапига кирса борми? Ҳай, ҳай... Ҳамма нарса остун-устун бўлиб кетарди. Шунча вақтдан буён қилган тоат-ибодати бир лаҳза ичидага кўкка совриларди. Одамлар орасида абадул-абад юзи қора бўлиб қоларди. Обиджон ака мана шуларни ўйлаб Хосият опага ҳеч нарса демади. Лекин ундан бутунлай кўнгли совиди. Ҳаётини биргаликда давом эттиришга кўзи етмади: «Салкам ўттиз йил турмуш қурган эдим-а. Хосият шуларни ўйламади-я. Инсон деган шунчалар калта ўй, фарзандига шунчалик шафқатсиз бўладими? Улар тиниб-тинчидан кетса ота-онанинг баҳти-ку. Бир парча этни одам қилгунча ҳазилакам орзу қилганмиди. Шу умидларига ўзи қарши борса-я. Зулфияни менга ўйнаш қилди. Ўйнаш... Эҳ... Топган ҳийласини қаранг-а. Бунга қандай чидаш мумкин. Чидашнинг ҳам чегараси бор-да. Қайси тил билан шундай дейишга журъат этди. Еки ақлдан озганми? Бўлди энди, унга насиҳат қилиб чарчадим. Пичоқ бориб сүякка етди. бошқа йўл йўқ...».

Обиджон ака «афсус, афсус» деганича оғир-оғир қадам ташлаб ташқарига чиқиб кетди.

Шундан буён анча кун ўтди. Бугун яккалик азоби ўжар онанинг юзига сўниқлик пардасини ташлаган. У чорбог эшиги остидан кун ботар томонга ўтиб кетаётган «Ширин сой» қирғогида ғамли кўзларини бир нуқтага тикканча эзилиб ўтирибди... Кўпириб оқаётган сув эса елкасида ўтирган одамга заррача ҳам парво қилмай, гоҳида қанотларини майсанор қирғоқларга босиқлик билан уриб-уриб, ўз йўлини давом эттирмоқда.



## ХАЗИНАБОН

Қўқон шаҳрининг Жаҳоноро маҳалласидаги уста Қўлдош аканинг одмигина хонадони. Ҳовлининг этак томонидан ўтиб кетган ариқча бўйидаги мажнунтол тагида, бағри кенг супада Ҳожиби опа қўни-қўшнилари билан тўпланишиб дўлпи тикишар, ўртада патефон, унда Ҳалима Носирова, Тамараҳоним, Лутфихон ая, Бобораҳим Мирзаев, Муҳиддин Қориёқубовларнинг кўнгилларга ором бергувчи пластинкалари ўйнаб турар, 5 ёки 6 ёшлар чамасидаги бўлали бир бола онасининг пинжига кириб, қўшиқларни жон қулоги билан эшитарди.

Қўлдош ака ўғлидаги бундай хусусиятни пайқаб қолгандан кейин бугунни эртага қўймай унга патефон олиб берди...

Ғиёсиддин 17-18 ёшларга борганида Ҳамза номидаги Қўқон Давлат Мусиқали драма театрининг истеъодди доирачиси Жўрабой акага шогирд қилиб берилади. Зехни ўткирлигидан тез кунларда «Туя ўйини», «Пилла», «Занг ўйини», «Сарбоз» «Ноғора баёт», «Мискин» каби ҳалқ классик доира йўлларини мукаммал ўрганиб олади.

Ғиёсиддиннинг санъатга шайдолик йиллари Қўқондаги боғ ва чойхоналарнинг гуриллаган, файзга тўлган бир даврига тўғри келади.

Ха, Ғиёсиддин аканинг санъати борган сари театр ва ҳалқ «Қўшиқчилик кечалари»нинг тафтида тобланиб борди. У атоқли ҳофизлар – тошкентлик Ортиқхўжа Имомхўжаев, тоҷикистонлик Маъруфхўжа Баҳодиров, марғilonлик Маъмуржон Узоқов, Тиллахон акаларнинг нафасларидан баҳра олди, ўрни келганда уларнинг қўшиқларига усул ташлаб берди. Даҳо санъаткоримиз Жўрахон Султоновнинг назаридан ўтди. Унинг айтишича, кунларнинг бирида марғilonлик дўсти, созандо Қаюмхон акадан хат келади. Унда: «Биз келгуси шанба куни Ноибнинг кўпрагидаги Бурҳонжон аканинг тўйига борамиз, Жўрахон ака ҳам ташриф буюрадилар. Сиз албатта келинг», - деб ёзиб қўйилган эди.

Тўй тамом бўлгач, меҳмонлар машиналарини қўйиб келган Чорсудаги Алиевнинг карвон саройи томон юра бошлашади. Озгинадан кейин Жўрахон ака оёги қаттиқ азоб берадётганлигини, юришни сира иложи йўқлигини айтади. Шунда Фиёсиддин ака ҳеч ўйланиб ўтирамай, шундай беназир инсонга хизмат қилишни ўзига шараф деб билиб, уни юксак эътиқод билан опичлаб, машинага қадар етказиб қўяди. Жўрахон ака Фиёсиддин аканинг олийжаноблигига тан бериб: «Келажакда эл севган санъаткор бўлгин, ўғлим», дея оқ фотиҳа беради.

Бу воқеа унинг ҳаётида катта бурилиш ясади, ўзига талабчанлигини оширди, янги-янги, нозик усууллар топишига сабабчи бўлди, Фиёсиддин ака фақат доира чалиш санъати билан чегараланиб қолмади. «Бир йигитта етмиш ҳунар оз», деган ҳалқ мақолига амал қилиб, машҳур Пўлат қизиқнинг ўғли Жўра қизиқдан асқия пайровларини ўрганади. Уста-шогирд ҳамкорликда «Эр хотиннинг уриши, дока рўмолнинг қуриши», «Қилмиш-қидирмиш», «Қарз», «Туш», «Эснаш» каби ўндан ортиқ ҳаётилиздаги камчиликларга ўт очувчи миниатюралар ижод қилиб, муҳлисларнинг ҳурматини қозонади.

Ҳозирги кунда шаҳар, вилоят ва жумҳуриятимиздаги бирорта анжуман унинг ичак-узди асқия ва қизиқчиликларисиз ўтмайди. У кўп меҳнат, мashaқатлар эвазига эл севган санъаткор даражасига кўтарилди.

Ота-боболаримиз келажак авлодларига қандайдир яхши нарсалар қолдириш ҳақида ўйлаб иш тутганлар. Бепоён боғлар, саломатликнинг гарови ҳамомлар, жилоси кўзни қамаштирадиган, довруги етти иқлимини туттан умрбоқий кошоналар бино этганлар.

Улар яратган меҳнатсеварлик, тинчлик, қаҳрамонлик, ватанпарварлик, дўстлик, одамийлик, меҳр-шавқат, сахийликка чорловчи эртаклар, достонлар, қўшиқлару мақоллар, маталлар, ривоятлар, ақл ва хотирани чархловчи, мустаҳкамловчи топишмоқлар халқимиз орасидаги талантли ижодкорлар, ижрочилар орқали оғиздан оғизга, устоздан шогирдга ўтиб,

бадиий жиҳатдан янада пишиб-етилиб, бизга қадар етиб келган.

Мана шулар ҳақида ўйлаганингда, Ғиёсiddин аканинг яна бир қирраси – санъатимиз дурдоналарини асрлардан-асрларга залтубчи хазинабон эканлигини гапирмасликни иложини тополмай қоласан. Унинг 35 йилдан ошиқ вақт ичидаги тўплаган жавоҳирлар сандигидаги пластинкаларнинг сони яқин мингдан ошиб кетди. Бундан ташқари, 25 йилдан бери магнит ленталарини ҳам эўр иштиёқ билан йигиб келмоқда.

Ушбу хазинадан 1905 йилда Лондонда чиқарилган қўшиқлардан тортиб, Акбар Хайдаров, Хожихон Болтаев, Жўрахон Султонов, Ваҳобжон Фаёзов, Шерқўзи Бўйқўзиев, Меликўзи Юсупов, Турдали Эргашев, Маъмуржон Узоқов каби устоз ва шогирдларнинг қўшиқлари жой олган. Ғиёсiddин аканинг меҳнати бекиёс. Унинг тирноқлаб йикқан бойлигидан ҳачма манфаатдор.

Яқинда Ғофур Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейи ходимлари Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» спектаклини сўраганларида унга қўшиб Мулла Тўйчи ҳофиз, Бобораҳим Мирзаев, Абдуллажон Охуновларнинг нодир овозлари битилган грампластинкаларни ҳам ҳадя этди.

Муқимий боти маъмуриятининг илтимосига кўра хазинадаги пластинкалардан 200 дан ортигини ва бир неча кассеталарни уларга келтириб беради.

Бог радиоузели 1989 йил 1 августдан бошлаб дам олувчилар учун замонавий қўшиқлардан парчалар, аскиялар, мақомлардан тузилган концерт бера олиш имкониятига эга бўлди. Айниқса, «Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Қўқон корхонаси»га қилган хизматлари таҳсинга лойикдир. Улар томонидан берилган «Ташаккурнома»даги ушбу сўзлар фикримизни тўла тасдиқлади: «Корхона радиоузели орқали Ғиёсiddин Абдураҳмоновнинг грампластинкалар коллекциясидан олинган турли жанрдаги асарлар эшиттириб борилади.

Унинг коллекцияси «Яхши дам – меҳнатга ҳамдам» номли мусиқали эшиттиришларимизда қўл келмоқда ва корхонамиз меҳнат аҳлига манзур келмоқда».

Ғиёсиддин ака республика аскиячи ва қизиқчилар конкурсанинг лауреатидир. Шуни ҳам айтиш керакки, санъат унинг иккинчи истеъодди. Аслида, у 25 йилдан бўён Қўқон электр машинасозлик заводида чилангар-йигувчи, галтакларни лакловчи, кейин пайвандловчи, 1986 йилдан бошлиб 1-цехда армировкачилик ишини бажариб келди. У «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали ва «Меҳнат ветерани» нишони билан тақдирланган.



---

*Ушбу китобни юзага келишида чин юракдан ёрдам берган улуғ инсонларга муаллиф ўзининг самимий миннадорчилигини билдиради.*



2002 йил 16-18 Май Құқон шаҳри Асқия ва қизиқчиларнинг онъанавий республика күрик танлови. Оталар чойхонаси, чойхонаси таниқли қизиқчи ва асқиячи Ғиёсиддин Абдурахмонов



Назиржон Назаров, ношир-матбаачи  
«Чуст босмахонаси» М.Ч.Ж. директори, Шукурхон  
хожи Тошхожаев билан



## МУНДАРИЖА

Күнглимдаги гаплар .....	2
Соатимни ечиб қўйдим .....	3
Тонг .....	4
Хол .....	5
Садоқат .....	5
Ўзингдан айрма ватаним... .....	6
Умидимнинг тагларида қор .....	7
Шоир бўлиб кетади ( <i>Фаҳрия</i> ) .....	8
Куз .....	9
Қоя .....	10
Ўзбегим .....	11
Поклик .....	12
Гўзал гуртепа .....	13
Сахий дарахт ( <i>Муроджон Ашуробга</i> ) .....	14
Сизни ёд айлар замон ( <i>Устоз Чархийга</i> ) .....	15
Жала .....	16
Калалак .....	16
Машраб ғазалига татаббуъ .....	17
Тўрт томчи ёмғир .....	18
Совчи ( <i>Хозил</i> ) .....	18
Сени кутгайман .....	19
Бевафога .....	20
Наҳотки сиринг пинҳон ( <i>Тазмин</i> ) .....	21
Интизор этма... .....	22
Дилбаргинам, Дилбаржон .....	23
Кулишларинга борман ( <i>Чустийга назира</i> ) .....	24
Жонга боқ, жононга боқ .....	25
Кутганлигим рост .....	26

Рад этмангиз	27
Ёрим берган рўмолча	27
Қолмасин уволимга	28
Ғайирлардан айлагин йироқ	29
Шеър дегани ( <i>Устоз ва талабчан шоир Ҳабибулло Сайид Ғанига ҳазил шеър</i> )	30
<b>Самарқанд наволари</b>	<b>31</b>
Армон	32
Самарқанд	33
Шарқ таронаси	35
Сўрайман узр	38
Самарқанд ҳавоси	39
Кўргони келдим	40
<b>Садоқат</b>	<b>41</b>
Киприкдаги ёш ( <i>Ёднома</i> )	45
Аммамнинг патири	48
Илоҳий нафас ( <i>Ёднома</i> )	50
Тонгни ўйғотган йигит ( <i>Очерк</i> )	53
Надомат ( <i>Воқеий ҳикоя</i> )	58
Хазинабон	64
Мундарижа	70

**Назиржон НАЗАРОВ  
(Мехрий)**

# **КИПРИКДАГИ ЁШ**

*Мұхаррір:*

**Ҳабибулло САЙИД ФАНИ**

*Техмухаррір:*

**Ғ. МУЛЛАБОЕВ**

*Мусаҳҳих:*

**С. ЯХЁЕВ**

*Компьютерда саҳифаловчи:* **Д. ДАВЛАТҚУЛОВ**

Теришга 20.01.2006 йилда берилди. Босишига 10.03.2006 йилда рухсат этилди. Газета қоғозига оффсет усулида чоп этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 4,5 босма табоқ. Адади 1000 нусха. Буюртма № 185. Баҳоси келишилгандарда.

---

«Фарғона» нашриёти. 712014. Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кӯчаси, 28-үй.

«Чуст босмахонаси» МЧЖ, Чуст шаҳри, Сўғизода кӯчаси, 8-үй.